2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 211 (211), 2020 йил 4 ноябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни мамлакатимизда гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Гидрометеорология хизмати қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология каби бир қанча соҳалар учун жуда муҳим. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида Ўзбекистонда бу йўналиш замондан орқада қолиб кетган. Аэрологик кузатув 1995 йилдан буён ўтказилмайди. Бу эса об-ҳаво ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигини пасайтиради. Халқаро стандарт бўйича қаралса, юртимиз ҳудудида 4 мингта станция бўлиши зарур, амалда эса 335 та бор, холос.

Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техник базаси эскирган, иқтисодий рентабеллиги ҳам паст. Хусусан, марказ ўтган 9 ойдаги харажатларнинг атиги 6 фоизини ўз даромадидан қоплаган.

— Гидрометеорология хавфсизлигимизни таъминлайдиган муҳим соҳалардан бири. Бугун энг асосий вазифа — тизимда хизмат сифатини ўзгартириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳада хизмат кўрсатишни босқичма-босқич тижоратлаштириш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Бугунги кунда метеорологик маълумотлар 35 та идорага, жумладан, 20 га яқин тижорат ташкилотига бепул берилмоқда. Хизмат нархлари харажатга нисбатан кам бўлиб, 15 йилдан буён кўриб чиқилмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу нархларни қайта кўриб чиқиш ва пулли хизматлар қамровини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Масалан, келгуси йили давлат-хусусий шериклик асосида Кармана ва Нуробод туманларида биттадан қуёш электр станцияси, 2022 йилда учта қуёш ва битта шамол электр станцияси барпо этилади. Уларда ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш учун метеорология хизматларига зарурат бор.

Шунингдек, об-ҳавони прогноз қилувчи интернет платформалар, кластерлар ва хорижий илмий муассасаларга пулли хизматлар кўрсатиш мумкин.

Гидрометеорология марказида 100 йиллик маълумотлар сақланмоқда. Улар қоғоз шаклида бўлиб, 18 миллион варақдан иборат. Ушбу маълумотларни тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда метеорология хизматининг моддий-техник таъминотидаги камчиликлар атрофлича кўриб чиқилди. Қайд этилишича, 70 та станциянинг атиги 14 таси автоматлашган. Об-ҳаво прогнози ўн йил олдинги дастурий маҳсулотлар асосида тайёрланмоқда. Оқибатда об-ҳаво ва табиий офатлар ҳақидаги маълумотлар кечикмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Нукусдаги 3 та метеорологик локатор маълумотлари етарли бўлмаяпти.

Шу боис келгуси йилларда Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида локаторлар ўрнатиш, барча станцияларни автоматлаштириш, янги станция ва постлар қуриш бўйича топшириқлар берилди. Булар натижасида метеорология хизматининг сифати ва тезлиги анча ошади.

Ўзгидромет Жаҳон метеорология ташкилотининг минтақавий маркази ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари бу мақомни сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлаб, 2022 йилда Самарқандда захира маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича минтақавий хаб ташкил қилишга кўрсатма берди.

Метеорология маълумотлари қишлоқ хўжалигида самарадорликни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Чет элда аграр соҳадаги корхоналар учун ўсимлик намлиги, ёмғир миқдори, чуқурликдаги тупроқ ҳароратини аниқлаш каби 20 дан ортиқ хизмат кўрсатилади. Юртимизда бундай хизматлар атиги 9 хилдан иборат. Агрометеорологик хизматлар 96 та станция ва постда олиб борилаётгани, уларнинг сони сўнгги 10 йилда атиги 5 тага кўпайгани сабабли прогнознинг ишончлилиги 80-85 фоиздан ортмайди.

Гидрометеорология хизмати марказига келгуси йилда ҳар бир вилоятда қўшимча агрометеорология постлари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг гранти доирасида Жиззах ва Қашқадарёда агрометеорологик станция ҳамда ўлчов воситалари ўрнатиб, хизматлар сонини 14 тага етказиш, кейинчалик буни барча ҳудудларда жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Фермер хўжалиги ва кластерларга онлайн хизмат кўрсатадиган дастурий таъминот ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳада илм-фанни ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университетида гидрометеорология факультети ташкил этиш, Тошкент гидрометеорология техникумида замонавий ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа ходимларининг ойлик маошини ошириш ва узоқ муддатли хизмат учун устама тўлаш тизимини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

## ҲАЁТИЙЛИККА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

### ёхуд Финляндия таълим тажрибасининг сири

Шу йилнинг 30 октябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга ундайдиган методика яратишда Финляндия тажрибасини ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Хўш, қандай ёндашув ва ислоҳотлар бу мамлакатнинг таълим мазмунида туб бурилиш ясаган?

Тараққиёт суръати қанчалик тез бўлса, таълимнинг ўзгариш жараёни ҳам шу қадар юқори бўлади. Ёки аксинча, таълим нақадар жадал ривожланса, давлат ҳам шу қадар тез тараққий этади. Авваллари жаҳонда таълим тизими деярли ўхшаш концепция асосига қурилган бўлса, бугун ривожланаётган ҳар бир давлатнинг ўзига хос таълим тизимига эга эканига гувоҳ бўляпмиз.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙДАГИ ЭНГ ЙИРИК КЎРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 4 ноябрь куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтадиган Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали табрик сўзи йўллайди.**

Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг энг муҳим жиҳатлари ҳамда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозли ҳолатларни биргаликда енгиб ўтиш чораларига тўхталади.

Тадбирда қатор хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳам табрик сўзи билан чиқиши кутилмоқда.

**ЎзА**

Долзарб мавзу

**Бугунги кунда жамият тараққиётини электр энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уйда дейсизми ёки ишхонада, электр энергияси инсон учун қулай шароит яратадиган ажралмас ёрдамчига айланди. Улкан шаҳарлар, гигант ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам ҳаракатлантирувчи куч — бу электр энергияси.**



## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ





**Соҳанинг ишлаб чиқариш манбалари тури тобора ортиб бораётганига қарамай, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам энг “оғир юк”ни иссиқлик электр станциялари тортиб келмоқда. Уларнинг юртимизда жами электр энергиясини ҳосил қилишдаги умумий ҳиссаси қарийб 85 фоизни ташкил қилади.**

Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди

**ФАРМОН БИЛАН ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАМДА КОНЦЕПЦИЯНИНГ МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ИНДИКАТОРЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ.**

**Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари қуйидагиларни назарда тутади:**



а) **ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА:**

- илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш;
- илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

б) **ИЛМ-ФАН ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ БОРАСИДА:**

- 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;
- 2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш;
- инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш;

в) **ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА МУҲАНДИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШ БОРАСИДА:**

- илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш;
- 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонида юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш;



г) **ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯРАТИШ БОРАСИДА:**

- 2025 йилга қадар илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 3,5 бараварга, 2030 йилгача эса 9 бараварга ошириш;
- 2021 йилда “Яшнобод” инновацион технопаркининг резидентлари сонини 60 тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, шунингдек, 720 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;
- 7 та замонавий лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, уларни GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш;

д) **ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА:**

- миллий илмий портални яратиш;
- олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш.



**Ҳудудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб “Академик ҳаракатчанлик” дастури жорий қилинади. 2021 йил 1 январдан бошлаб Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими жорий қилинади.**

**Ўқувчи муайян ҳодисани ўрганиш асносида уни бир нечта фан ёрдамида идрок қилади. Натижада ўқувчиларнинг барча мавзулардаги билими бирор ҳодиса мисолида ягона нуқтада бирлашади. Бунинг эвазига ҳаётда керак бўлмайдиган мавзулардан воз кечилди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 ноябрь, 211-сон

## Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

Бошланиши 1-бетда

# ҲАЁТИЙЛИККА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

## ёхуд Финляндия таълим тажрибасининг сири



**Шуҳрат САТТОРОВ,**
**Республика таълим маркази директори**

Дунё мамлакатларининг тараққиётини ягона мезон асосида ўлчаб бўлмагани каби ривожланиш учун долзарб бўлган таълимнинг ҳам ягона андозаси йўқ. Шу билан бирга, бугунги янгилик эртаси куни эскириб қолаётган дунёда ҳар даврнинг ўзига хос таълим ёндашувлари мавжуд. Жамиятлар олдига бугунги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, кадрлар етказиб берадиган таълим тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Айтайлик, 1970 йилларда Финляндияда амалга оширилган кенг қамровли мактаб ислоҳотлари даврида ҳукумат ўқув дастурларини янги талаблар асосида ишлашга бел боғлади. 1980 йиллардан бошлаб таълим мазмуни ва мавзулари марказлашган ҳолда ҳукумат томонидан белгилаб бериладиган тизимдан воз кечилган. Янги ёндашувда таълим мазмунини белгилаш масъулияти маҳаллий ҳокимлик органлари (муниципалитетлар ёки мактаблар) зиммасига юклатила бошланган. Шу йиллардан ўқув дастурларини Финляндия жамиятининг янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш динамикаси билан боғлаш амалиёти жорий қилинган.

1994 йилдан бошлаб ўқув дастури ва таълим мазмунини шакллантиришда мактабларга эркинлик берилиб, ўқитувчиларга мустақил ўқитиш эркинлиги учун зарур шароит яратилган. Натижада ҳар бир ҳудудда мактаб таълимининг ўша жойдаги меҳнат бозорига таянган ўзига хос қадриятлари ва таълим сиёсатини юритишда рақобат пайдо бўлган.

2016 йилдан бошлаб Финляндия миллий таълим кенгаши "Беш ўлчамли феноменал ўқитиш" концепциясига асосланган ўқитиш тизимини илгари сурмоқда. Бу нима дегани? Бу — фанга асосланган ёндашув ўрнига XXI асрда ўқувчиларга жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам берадиган кўникма ва мавзулардан иборат ўқув дастурини ўқитадиган таълим шакли. Натижада математика, амалий ёки табиий фанлар каби муайян йўналишдаги фанлар ўрнини улар ўзаро кесишадиган, шу билан бирга, ҳаётда керак бўладиган мавзулардан иборат метафанлар, яъни қоришиқ фанлар эгалламоқда. Бундай фан реал ҳаёт билан боғланиб, ўзида айни пайтда жамиятдаги мавжуд ўзгариш ва эҳтиёжларни қамраб олади.

Фанлардан тўлиқ воз кечилгани йўқ, аксинча, улар янгича шаклда ўрганилмоқда. Ўқувчи муайян ҳодисани ўрганиш асносида уни бир нечта фан ёрдамида идрок қилади. Натижада ўқувчиларнинг барча мавзулардаги билими бирор ҳодиса мисолида ягона нуқтада бирлашади. Бунинг эвазига ҳаётда керак бўлмайдиган мавзулардан воз кечилди. Бу эса ўрганувчига мавзунинг моҳиятига кириб бориш, мавзуни ўзлаштириш учун етарли вақт ажратишга ёрдам беради.

### БЕШ ЎЛЧОВЛИ ФЕНОМАЛ ЎҚИТИШНИНГ БЕШ УСТУНИ

Феноменга асосланган таълим ёндашувининг беш ўлчови мавжуд: яхлитлик, аниқлик, мавжуд вазиятга асосланганлик, муаммога ечим топиш асосида ўқитиш, ўқувчининг муаммога ечим топиш кўникмаларини ривожлантириш. Таълим мазмунига оид ислоҳотлардан тортиб, синфхонадаги дарсларни ташкил этиш учун зарур таълим моделларигача ана шу беш ўлчамга кўра ишлаб чиқилади.

Яхлитлик таълимни таснифлаш ва масалани бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назардан кўриб чиқишга ёрдам беради. Шунингдек, унинг ёрдамида мавжуд нуқтаи назар ва ёндашувлар бир-бирига қанчалар уйғун ёки зид эканини аниқлаш мумкин. Ҳодисаларга яхлитлашган ёки қоришган турли фанлар нуқтаи назари билан қараш ўқувчиларга дунёни яхлит кўриш ва ундаги жараёнларни бир бутун ҳис қилишга, мураккаб масала ва муаммоларга кенг қамровли ечимлар излашга ёрдам беради.

Вазиятга асосланиб ҳамда муаммога ечим топиш асосида ўқитиш ўқувчиларга берилаётган билимнинг ҳаётий ва долзарблигини таъминлайди. Ён-атрофида содир бўлаётган ҳолат ва ҳодисани ўрганиш натижасида ўқувчида ана шу билимни ўзлаштириш учун ички рағбат ҳосил бўлади. Мавжуд ҳолатга асосланиб ўқитиш фаразий ва назарий ғоялар билан шуғулланишдан кўра, билимни амалиётга йўналтириш, ҳаётда қўллашни англатади. Бу жараёнда ўқув дастурида ўрганилаётган ҳодиса ҳам аниқ вақт ва макон ичида бор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Асосий эътибор мавзуга эмас, ҳодисага қаратилади. Яъни ҳаётий муаммо, масала ва ҳодисалар энди таълим тизимида акс этяпти.

Мавжуд муаммога ечим топиш асосида ўқитиш, ўқувчининг муаммога ечим топиш кўникмасини ривожлантириш ўта аҳамиятлидир. Ўқувчилар ҳодисаларни ўрганаётганда муаммони аниқлайди ва уларнинг пайдо бўлиш омилларини тадқиқ этади. Ўқувчи ҳодисани ва у билан боғлиқ муаммони аниқлаш, шунингдек, муаммо бўйича текширув ўтказиш орқали ҳаракатланади. Бу жараёнда ўқувчида танқидий ва ижодий фикрлаш, ҳамкорлик қилиш, мустақил ўрганиш каби қимматли кўникмалар пайдо бўлади.



> **БУ КАБИ ТОПШИРИҚЛАРНИ ТУЗИШДА ЎҚИТУВЧИ ДАРСНИНГ ТАРКИБИ БИР НЕЧТА ФАН ВА СОҲАЛАРГА ТЕГИШЛИ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШИ ЛОЗИМ. ФИНЛЯНДИЯДА БУНДАЙ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИГАН ДАСТУРЛАР БИР НЕЧТА ФАН МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИДА ТАЙЁРЛАНАДИ.**

### ФЕНОМЕНАЛ ТАЪЛИМНИ СИНФХОНАДА ҚЎЛЛАШ

Феноменал таълим шаклида дарсни ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчилар таҳлил учун бирор-бир ҳодисани муҳокама мавзуси сифатида танлаши керак. Бу жараёнда айни пайтда жамиятдаги долзарб масала ва маҳаллий муаммолардан дарсни қизиқ ўтишга хизмат қилувчи трамплин сифатида фойдаланиш мумкин. Иқтисодий, ижтимоий муаммолар, атроф-муҳит ёки саломатлик, озиқ-овқат билан боғлиқ ҳодисалар муайян фанлар асосида тадқиқ этилади. Муаммога ечим топиш жараёнида ўқувчида фанлар билан боғлиқ ҳаётий билим ва кўникмалар шаклланади.

Бу каби топшириқларни тузишда ўқитувчи дарснинг таркиби бир нечта фан ва соҳаларга тегишли бўлишини таъминлаши лозим. Финляндияда бундай таълимни қўллаб-қувватлайдиган дастурлар бир нечта фан мутахассисларининг ўзаро ҳамкорлигида тайёрланади.

Ҳодисалар хусусида таълим бериш шакли келажакни ўйлаган ва узоқни кўзлаган ёндашувдир. Бу орқали эртанги куннинг иқтисодий-ижтимоий масалалари билан боғлиқ мураккаб муаммолари, сунъий интеллект ёки тўртинчи саноат инқилоби каби замонавий тенденциялар устида биргаликда ишлаб, барқарор тараққиётга эришиш мумкин.

Феноменал таълим шаклини жорий қилишда жамиятдаги муаммо ва долзарб ҳодисаларни англаш ҳамда уларнинг ечимини илм-фан билан боғлаб, тушунарли тарзда умумтаълим дастурларига киритиш муҳим ва масъулиятли жараён ҳисобланади. Бу ўринда ўқитувчиларнинг билим ва салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Улар ўқувчиларни муаммоларни топишдан тортиб, таҳлил асосида кенг тармоқли ечимни илгари суришгача бўлган жараёнларда асосий йўналтирувчи бўлишлари зарур.

## Интервью

# ИШОНЧЛИ ПРОГНОЗ ҚЎЙИШ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ

**Бугунги шиддатли, тезкор, инновацион ғоялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга даврда кунлик, ҳафталик, ҳатто ойлик об-ҳаво прогнозини олдиндан билиш жуда муҳим. Бу борада адашиш ёки хато қилиш катта иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Бунда, албатта, гидрометеорология хизматининг ҳал қилувчи ўрни бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев навбатдаги йиғилишида гидрометеорология соҳасидаги камчиликларни айтиб, келгуси вазифаларни белгилаб берди.**



**Шерзод ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бош директори:**

— Давлатимиз раҳбари тизимда талабга жавоб бермайдиган, аллақачон эскирган моддий-техник базани янгилаш бўйича алоҳида топшириқ берди. Бу жараёнда янгича механизм билан ишлаш тартиби ҳам жорий этилади. Шу тариқа маълумот олиш вақтини ҳозирги 3-6 соатдан реал вақт режимига ўтказишга эришамиз.

Очиқ айтиш керак, ҳозир сунъий йўлдош орқали олаётган маълумотларимизнинг аниқлиги ер усти постлар ва станцияларимиз бўлмагани, борларининг ҳам барчаси бирдек автоматлашмагани сабабли паст даражада. Шундан келиб чиқиб, булутларнинг юриши, ҳаво, шамол ва сувларнинг оқими бўйича давлат даражасидаги ягона геоахборот тизимини ишга тушириш бўйича ҳам топшириқ олдик.

Кейинги йил охиригача барча туманларда биттадан янги постлар яратиш ва уларни автоматлаштириш, ягона маълумотлар базасига жойлаштириш бўйича ишларни бошлаймиз.

Хуллас, соҳамизда кескин ижобий ўзгаришлар бўлади. Маълумотлар аниқлиги ошади. Энг асосийси, дунё стандартлари ва илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, кучли бўрон, тошқин, сел каби фавқулодда вазиятларни олдиндан прогнозлаш имконияти яратилади.



**Бахтиёр ХОЛМАТЖОНОВ,**
**Гидрометеорология илмий-текшириш институти директори вазифасини бажарувчи:**

— Йиғилишда Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техник базаси эскиргани, иқтисодий рентабеллиги пастлиги айтиб ўтилди. Хусусан, марказ ўтган 9 ойдаги харажатларнинг атиги 6 фоизини ўз даромадидан қоплаган. Ускуналар ҳам моддий, ҳам маънавий эскирган. Мамлакатимиз раҳбари бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратиб, тармоқни модернизациялаш, яъни автоматик кузатув асбоб-ускуналари билан таъминлаш, ахборотлар алмашинуви тезлигини орттириш, йиғиш, қайта ишлаш ва прогноз даражасига чиқариш жараёнида тезкорликни ошириш зарурлигини таъкидлади.

Гидрометеорология соҳасида хизмат кўрсатаётган ходимларинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилди. Келгуси ўқув йилидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида гидрометеорология факультетини ташкил этиш, бу факультет доирасида Россия давлат гидрометеорология университети билан ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида, шунингдек, Тошкент гидрометеорология техникумида замонавий ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди.



**Нарзулло ОБЛАМУРОДОВ,**
**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Бугунги йиғилишда кўтарилган мавзу ҳақиқатан долзарб. Унда кўплаб соҳалар қатори экология учун ҳам муҳим ҳисобланган, бироқ йиллар давомида эътибор қаратилмаган гидрометеорология тизимидаги камчиликлар танқидий таҳлил қилингани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур йўналишдаги хизматнинг моддий-техник таъминоти аллақачон эскирган.

> **Об-ҳаво прогнози 10 йил олдинги дастурий маҳсулотлар асосида тайёрланмоқда. Тизимга замонавий ахборот технологиялари етарлича жалб қилинмагани мавжуд 70 станциянинг атиги 14 таси автоматлашганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.**

Ана шу камчиликларни таҳлил қилиш жараёнида, аввало, соҳада янги технологияларни қўллаш, хизматлар турларини кенгайтириш ва барчасини рақамлаштириш, гидрометеорологияни энергетика, экология ҳамда бошқа соҳаларга татбиқ этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Давлат экология қўмитаси томонидан ушбу йўналишда барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Гидрометеорология хизмати билан биргаликда атроф-муҳитнинг мониторинг тизимини такомиллаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, умуман, хизматлар ва иш сифатини ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

# ПРОФЕССОР УБАЙДУЛЛА УВАТОВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов шу йил 3 ноябрь куни 80 ёшида вафот этди.

У.Уватов 1940 йил 23 февралда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида туғилди. 1958-1969 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини араб филологияси мутахассислиги бўйича тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини ушбу даргоҳда ўқитувчиликдан бошлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Араб тили бўйича юқори малакали мутахассис сифатида Миср, Ироқ, Ливия мамлакатларида таржимон бўлиб ишлади.

Катта илмий салоҳият ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган У.Уватов мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг юқори бошқарув идораларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бўлим мудири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, шунингдек, Амир Темур жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари каби масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, илмий-маданий меросимиз намуналарини тўплаш, ўрганиш ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олим Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинаси бўлими мудири, Имом Бухорий халқаро маркази раҳбари ҳамда умрининг охирига қадар Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори лавозимларида фидокорона меҳнат қилди. Айни вақтда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг профессори вазифасида ишлаб, буюк алломаларимиз меросини чуқур тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларида фаоллик кўрсатди.

Машҳур олимнинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муин Насафий, Амир Темур каби улуғ сиймоларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва монографиялари, араб тилидаги ноёб манбалардан қилган таржималари юртимиз ва хорижий давлатлар илмий жамоатчилиги ўртасида яхши маълум бўлиб, улар мамлакатимизда шарқшунослик илмини ривожлантиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилди.

У.Уватов жамоат ишларида, юртимизда олиб борилаётган маданий, диний-маърифий тадбирлар, анжуман ва учрашувларда фаол иштирок этиб, халқимиз, айниқса, ёшларни қадимий тарихимизга ҳурмат, аждодларимиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Моҳир педагог, жонкуяр устознинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Профессор У.Уватовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони ҳамда "Меҳнат шуҳрати" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Убайдулла Уватовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, У. АЛИМОВ**

## Муносабат

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗГА АЙЛАНМОҒИ ЗАРУР

**Президентимизнинг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида"ги фармони халқчиллик нуқтаи назаридан энг юқори даражадаги ҳужжат бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Чунончи, мазкур фармон ҳаммамизга ва ҳар биримизга дахлдор, ҳар бир хонадонда ва ҳар бир оилада дастуруламал бўлишига шубҳа йўқ.**

**Меҳмонали НИЁЗОВ,**
**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

Сир эмаски, халқимиз азал-азалдан таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом, ширинликларни, нон маҳсулотларини суйиб истеъмол қилади. Дастурхонимиз кўркини ҳам айнан ана шу таркибдаги маҳсулотлар эгаллайди.

Бироқ соғлом турмуш тарзи тушунчалари болалигимиздан буён қулоғимизга чалиниб келган бўлса-да, бугунги вазият, баъзи бир синовлар турмуш тарзимизни тубдан ўзгартиришимизни, инсон иммун тизимида нисбатан кучсиз томонлари борлигини кўрсатмоқда. Айниқса, кекса авлод вакилларининг соғлом турмуш тарзига жиддий эътибор бериш масаласи эътиборга молик, сабаби ойдек маълум. Инсон бор экан, ўзининг узоқ йиллардан буён шаклланган одатларига таяниб яшайди ва у одатларни кунлик истеъмолдан чиқариб ташлаш мушкул бўлиши мумкин.

Фармонда юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104 миллиард сўмдан, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 10 миллиард сўмдан маблағлар ажратилиши белгилангани ва ушбу ишларга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани соғлом турмуш тарзининг ҳаётий эҳтиёжлигидан, оммавий спортни янада ривожлантириш миллий зарурият эканидан далолат бермоқда.

Президентимиз жорий йил 28 январь куни Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманига, 13 октябрь куни Сирдарё вилоятига ташрифлари чоғида аҳолининг саломатлиги ва "Саломатлик учун 5 минг қадам" тамойилини умуммиллий ҳаракатга айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, тегишли вазифалар берган эди.

Давлатимиз раҳбари фармонининг қабул қилиниши олдимиздаги вазифаларнинг нечоғли маънавий-маданий, ижтимоий аҳамиятли эканини белгилаб бериш қаторида бу борадаги ишларимизнинг ҳуқуқий заминини ҳам мустаҳкамлаб берди. Вазирлигимизда фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, маҳалла томонидан аҳоли билан ҳафта кунлари шаҳар маданиятини шакллантириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилиши, жумладан, душанбани "Аҳоли билан маданият ва маърифат", сешанбани "Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш", чоршанбани "Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш", пайшанбани "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси", жумани "Тадбиркорлик ва томорқа маданиятини ривожлантириш", шанбани "Аҳоли бандлигини таъминлаш" кунлари этиб белгилаш режалаштирилди.

Президентимиз жойларга ташрифлари чоғида ҳар гал кекса авлод вакиллари билан учрашиб, нуронийларимиз шунчаки дуогўй эмас, аксинча, жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган қатлам бўлиши кераклигига алоҳида урғу беради. Давлатимизнинг мазкур даъвати амалий ҳаракатга айланган. Ёши катталар бугун маҳалла ишига бош-қош. Уларнинг беминнат хизмати, саъй-ҳаракати туфайли жамиятимиздаги салбий кўрсаткичлар пасайиб бораётгани диққатга сазовор.

Бугун ҳар бир маҳаллада кекса ва фахрийларимизни жипслаштирадиган, ўзаро фикр алмашишига замин яратадиган "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари ҳамда "Бувижонлар мактаби" жамоатчилик кенгаши фаолият юритмоқда. Ана шундай жамоатчилик тузилмалари аъзолари иштирокида 3 148 та нотинч оила яраштирилди. Кексаларнинг саломатлигини таъминлаш учун эса вазирлик томонидан 1 миллион 147 минг нафар нуроний иштирокида "Саломатлик учун 5 минг қадам" пиёда юришлари ташкил этилди. 66 минг нафар нуроний бепул чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 12 минг нафари санаторийларда соғлиқларини тиклади. 97 минг нафар нуроний эса юртимизнинг муқаддас қадамжолари бўйлаб саёҳат қилди.

Фармонда маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган "Саломатлик йўлаклари"ни қуриш кўзда тутилгани янада аҳамиятлидир.

Мамлакатимиздаги 9 155 та маҳаллада оммавий спортни янада ривожлантиришни, тўғри овқатланиш тамойилларига жиддий риоя қилишни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Куз-қиш мавсумида ишлаб чиқариш қувватлари барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2020 йил якунига қадар қиймати 804,5 миллиард сўмга тенг бўлган 1219,0 миллион куб метр табиий газ (режа бўйича 865,6 миллион куб метр) ва 27,3 миллиард сўмлик 137,11 миллион кВт/соат электр энергиясини тежаш кутилмоқда (режа 154,1 миллион кВт/соат).**





Долзарб мавзу

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ



Бошланиши 1-бетда

**Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг замонавий ва самарадор технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш, ёқилғи-энергетика ресурсларини оқилона ишлатиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш соҳа зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалар сирасига киради. Қолаверса, қиш-қировли кунларда ҳаво ҳароратининг совиб кетиши натижасида аҳолининг электр энергияси ва иссиқлик таъминотига эҳтиёжи янада ошади.**

**“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Руслан МУБАРАКШИН билан суҳбатимизда асосий эътибор белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, куз-қиш мавсумига ҳозирлик каби масалаларга қаратилди.**

**— Мамлакат энергетика тизими деярли бир асрлик йўлни босиб ўтди, унинг бугунги босқичи янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини муттасил ошириб бориши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда тизимда туб бурилиш ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш жараёнлари қандай кечяпти?**

— Вақтнинг шиддат билан ўтиши, янги технологияларнинг кириб келиши ҳар бир соҳа олдига бутунлай янгича вазифаларни қўяди. Ўнлаб йиллар давомида юрт ривожи учун хизмат қилиб келаётган электр станциялари асримиз бошларига келиб жисмонан эскириб, замонавий ишлаб чиқариш ҳамда экологик талабларга жавоб бермай қолди. 2017 йил таҳлилларига кўра, ривожланган давлатларда 1 киловатт энергия ишлаб чиқариш учун 240-260 грамм ёқилғи ишлатилган бўлса, мамлакатимиздаги айрим станцияларда 2 баробар кўп ёқилғи сарфланган.

Бунинг устига, бизда электр энергияси, асосан, табиий газни ёқиш эвазига ҳосил қилинади. Газ ресурслари чекланган бугунги шароитда уни янада кўпроқ сарфлаш тикланмайдиган табиий ресурсларнинг жуда катта миқдорини увол қилиш дегани. Шунинг учун ҳозирги кунда тизим корхоналарида энергосамарадор, ёқилғини тежовчи ускуналарни ўрнатиш устувор йўналиш этиб белгиланган.

Президентимиз 2018 йилнинг 3 октябрь куни ўтказилган йиғилишда электр энергияси соҳасида вужудга келган аҳволни танқидий таҳлил этар экан, уни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини белгилаб берди.

“Атом электр станциясининг ишга туширилиши ёқилғи сарфини қисқартириш бўйича инқилобий ечимлардан бири бўлади, бироқ бунинг учун ҳали 8-10 йил керак. Шунинг учун мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, энг муҳими, қисқа даврда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш керак”, деди мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари.

Орадан кўп ўтмай, тизимда туб бурилишлар даври бошланди. Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Энергетика вазирлиги ташкил этилди, 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизида “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил топди. Улар вазирлик таркибида фаолият кўрсатиши баробарида ҳар бир жамият “ўз араваси”ни ўзи тортишига қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 27 октябрь куни имзоланган “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаради.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришни таъминлаш, юртимизнинг энергетик хавфсизлигига эришиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мамлакатимизда юритилаётган энергетика сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Шунингдек, модернизация дастурларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчи қувватларни замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳам унинг муҳим йўналишлари сирасига киради.



**Куз-қиш мавсумида ишлаб чиқариш қувватлари барқарорлигини таъминлаш бўйича тузилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2020 йил якунига қадар қиймати 804,5 миллиард сўмга тенг бўлган 1 219 миллион куб метр табиий газ (режа бўйича 865,6 миллион куб метр) ва 27,3 миллиард сўмлик 137,11 миллион кВт/соат электр энергиясини тежаш кутилмоқда (режа 154,1 миллион кВт/соат).**

2019 йилда юртимиздаги иссиқлик электр станциялари томонидан 56,4 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу миқдор 2015 йилдагига нисбатан 20 фоиз ошганига қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг ривожи ва аҳоли эҳтиёжларининг ошиши туфайли 2030 йилга бориб, электр энергиясига талаб 2 баробар ўсиши кутиляпти. Бунда кўзда тутилаётган атом электр станцияси ва муқобил энергия манбалари сони оширилиши ва ишга туширилиши ҳисобга олинган бўлса-да, асосий “юк” ИЭСлар зиммасига тушиши режалаштирилган. Жумладан, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр энергияси ишлаб чиқариш 43 344,2 миллион кВт/соатга тенг бўлди. Бу режадагидан 1 805,3 миллион кВт/соат (104,3 фоиз), ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан эса 2 733,0 миллион кВт/соат (106,7 фоиз) кўпдир.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиётининг асоси — энергетика. Сўнгги 2 йил ичида Ўзбекистон иқтисодининг жадал ривожланиши натижасида унга бўлган талаб йилига ўртача 2-2,5 дан 3 миллиард кВт/соатгача ўсиб бораётганини кузатяпмиз. Бу кўрсаткичлар барчамизни мамнун этади. Чунки республиканинг саноат салоҳияти ўсиб бормоқда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шароитлар яратилмоқда, энг муҳими, фуқароларимизнинг фаровонлиги ва турмуш даражаси ошмоқда.

**— Демак, ортиб бораётган талабга яраша таклиф бўлиши керак. Бу, ўз навбатида, фаолият кўрсатаётган электр станцияларини энг замонавий технологиялар асосида янгилашни, энергосамарадор қувватлар ва инвестициявий лойиҳаларни ишга туширишни тақозо этади. Бу борадаги ишлар кўлами ва уларнинг амалий ижроси электр энергиясига бўлган эҳтиёжга нечоғлик ҳамоҳанг бўляпти?**

— Президентимизнинг тегишли қарор ва фармойишларида иссиқлик электр станцияларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, айни вақтда улардан ўрин олган лойиҳалар жадал суръатларда амалга ошириляпти. Ушбу йўналишдаги фаолиятимиз Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, маҳаллий банклар ва ЕТТБ, ОТБ кабилар томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Бугунги кунда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш жараёни “йўл хариталари”да белгиланган муддатлардан анча олдинда, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Сўнгги йилларда биз дунёнинг бир қатор етакчи мамлакатлари — Япония, АҚШ ва Европанинг энергетика соҳасидаги йирик компаниялари тажрибасини ўрганиб чиқдик. Шу аснода мамлакатимизда энг янги, энергия самарадор технологияларни жорий этишга фаол киришдик ва шуни таъкидлаш лозимки, қисқа фурсатда 1 кВт/соат электр энергияси ишлаб, ёқилғи сарфини камайтириш бўйича сезиларли натижаларга эришилди. 2020 йил охирига қадар замонавий технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш эвазига тизимдаги энергосамарадор замонавий қурилмаларнинг улуши 4309,0 МВт. (30,8 фоиз)га етади.

Президентимиз жорий йилнинг 26 октябрь куни электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда станцияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва истиқболда электр энергиясининг рақобатли бозорини яратиш вазифаларини белгилаб берди. Бинобарин, 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясига биноан, иссиқлик электр станцияларининг муайян қисми томонидан 70 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, шу билан бирга, уни ишлаб чиқаришга табиий газ ҳозиргига нисбатан анча кам сарфланади.

Мисол учун, мамлакатимизнинг Қорақум ва Қизилқум кенгликлари шимоли-ғарбида жойлашган Тахиатош иссиқлик электр станциясини олайлик. Унда ҳозирги пайтда кунига 10 миллион кВт. электр энергияси ҳосил қилинади. Бу олтмиш йил олдин ишга тушган дастлабки агрегатнинг бир йиллик иш ҳажмига тенг. Асосий манбаи табиий газ бўлган улкан корхонанинг йиллик қуввати 3,0 миллиард кВт/соат бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини электр энергияси билан таъминлаб келади.

“Яшил” иқтисодиёт доирасида юз бераётган ривожланишнинг янги босқичи стратегик вазифаларни жорий этишда замонавий, самарадор ва тежамкор технологияларни фаол қўллашни кун тартибига қўймоқда. Бу ерда янги энергоблокларни барпо этишда бош пудратчи бўлган Жанубий Кореянинг “Hunday” консорциуми жаҳоннинг 13 та турдош нуфузли компанияси иштирокида худди шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, қурилиш ишларини олиб боряпти. Бу ишларнинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ долларига тенг.

Бунинг натижасида станция қуввати ортиб, йилига 3,6 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Унда бир кВт. ҳосил қилиш учун айни пайтда 430,3 грамм ёқилғи сарфланаётган бўлса, янги қурилмада бу миқдор 266 граммни ташкил этади ва йилига 488,6 миллион куб метр “зангори олов” тежалади. Фойдали иш самарадорлиги ҳозиргига нисбатан қарийб 70 фоиз ортгани ҳолда, ҳавони ифлос қилувчи чиқиндилар йилига 741 тоннага, ис гази миқдори айни пайтдаги 972 минг тоннадан 216 тоннага камаяди.

Шу билан бирга, иссиқлик энергиясининг 139 минг Гкал.га ошиши ҳисобига қўшимча равишда 100 та мактабни, 200 та болалар боғчаси, 10 та йирик корхона ва икки миллион аҳолини иссиқлик билан таъминлаш имконини яратади.

Қайд этиш жоизки, бутун дунёни коронавирус пандемияси хавотирга солган, миллионлаб корхоналар инқирозга юз тутган, йўллар ва чегаралар ёпилган, умуман олганда, кутилмаган мураккабликлар рўй бераётганига қарамай, Тахиатош иссиқлик электр станциясидаги инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажариб келиняпти. Барча янги энергоблоклар ўз муддатида фойдаланишга топширилади.

Худди шундай фикрларни, тежамкорлик ва самарадорликка доир мисолларни Тўрақўрғон, Толимаржон ИЭСлари, Фарғона иссиқлик электр марказида олиб борилаётган лойиҳалар мисолида ҳам келтириш мумкин.

Сирдарё ИЭС тизимдаги отахон станциялардан бири. Бу ерда Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрда имзолаган “Сирдарё иссиқлик электр станциясида энергоблокларни босқичма-босқич модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ, Россиянинг “Силовые машины” ОАЖ компанияси томонидан бешинчи ва олтинчи энергоблокларда модернизация ишлари олиб боріляпти. Лойиҳада кўзда тутилган ишлар бажарилиши туфайли ҳар бир энергоблокнинг қуввати 325 МВт.га етказилади, 1 кВт/соат учун шартли ёқилғи сарфи 40 грамм камаяди, натижада уч босқичли модернизация ишлари якунида йилига 270 миллион кубометр табиий газ тежалишига эришилади.

2019 йилда учинчи ва тўртинчи энергоблокларда модернизация ишлари муваффақиятли якунланган эди. Бунинг натижасида энергоблокларнинг ўрнатилган қуввати 650 МВт.га етказилди. Айни пайтда карантин чораларига қатъий амал қилган ҳолда навбатдаги лойиҳа доирасидаги ишларни режа асосида давом эттиряпмиз. Жорий йилнинг октябрь ойида 6-, декабрда эса 5-энергоблокни модернизациялаш якунланиши ва ягона тизимга яна қўшимча қувватлар берилиши режалаштирилган.

Таҳририят танловига

“Фарғона ИЭМ” АЖ ҳудудида 17 МВт. қувватли юқори самарали когенерацион газ турбинаси технологияларини жорий этиш инвестицион лойиҳаси амалга оширилмоқда. Янги қурилманинг тез фурсатда, яъни йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши қиш мавсумида водий аҳолисини қўшимча электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда 125 та янги иш ўрни яратиш имкониятини беради.

**— Совуқ кунларда уйлар чароғон ва иссиқ бўлиши, корхона ва ташкилотлар фаол ишлаши учун мавсумга аввалдан пухта ҳозирлик кўриш зарур. “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2020-2021 йиллар куз-қиш ойларида электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида қандай чоралар кўрмоқда?**

— Жорий йил 17 июль куни Президентимиз ҳузурида ва 17 август куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган видеоселектор йиғилишларида жорий куз-қиш мавсумини барқарор ва уюшқоқлик билан ташкил этиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича жамиятимиз томонидан тизимли ишлар олиб боріляпти. Ҳозирлик доирасида 8 та энергоблок, 15 та қозон агрегати, 5 та БГҚ (буғ-газ қурилмаси) ва бошқа бир қатор асосий ва ёрдамчи энергия ускуналарини таъмирлаш режалаштирилган.

Таъмирлаш жуда жиддий вазифа, уни амалга ошириш кўп жиҳатдан мутахассисларнинг малакасига боғлиқ. Янги ускуналарда созлаш ва таъмирлаш ишлари етказиб берувчи компанияларнинг муҳандис-ходимлари томонидан амалга оширилади. Биз уларнинг иш жараёнида фаол иштирок этамиз, бу билан янги замонавий ускуналарни модернизация қилиш, кейинчалик мустақил техник хизмат кўрсатиш бўйича билим ҳамда тажриба орттирамиз. Айни пайтда режалаштирилган ишлар ҳажми 98,8 фоиз бажарилди.

Таъмир ишлари бажарилиши натижасида иссиқлик электр станциялари ва марказларининг амалдаги қуввати 368 МВт. ошади. Бунинг учун 2020 йилда 747,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган.

Куз-қиш мавсумида ишлаб чиқариш қувватлари барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2020 йил якунига қадар қиймати 804,5 миллиард сўмга тенг бўлган 1219,0 миллион куб метр табиий газ (режа бўйича 865,6 миллион куб метр) ва 27,3 миллиард сўмлик 137,11 миллион кВт/соат электр энергиясини тежаш кутилмоқда (режа 154,1 миллион кВт/соат).

2020 йилда электр энергияси истеъмоли ўтган йилдагига нисбатан ўртача 9 фоиз ошишини ҳисобга олган ҳолда жорий ва инвестиция лойиҳалари уюшқоқлик билан ҳаётга татбиқ этиляпти. Бу йўналишдаги “йўл харитаси” ижросини сўзсиз таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Пандемия туфайли юзага келган жаҳон иқтисодий инқирози шароитида жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1 177 мегаватт янги қувватларни ишга тушириш ишлари жадал давом этаётгани, тизимда хорижий инвестициялар ҳисобига янги буғ-газ қурилмалари бўйича режалар шакллантирилгани энергетикамиз ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаши ҳамда ривожланишига мустаҳкам замин яратилаётганини кўрсатади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.**

Ўқув-семинар

# АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ — ШАКЛАН ВА МАЗМУНАН КАТТА КУЧ ВА САЛОҲИЯТГА ЭГА



**Лутфулла СУВОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бугун юртимизда ҳар бир давлат ташкилотида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш энг долзарб масалалар қаторига кириб улгурди. Айниқса, ташкилот раҳбарларининг оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиши, ижтимоий тармоқлардаги мурожаатларга ўз вақтида жавоб бериши, жамоатчилик билан доимий алоқада бўлиши талаб этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ахборот хизматларининг нафақат ташкилотдаги ўрни ва роли, балки жамият ҳаётидаги иштироки қанчалик муҳим эканини кўрсатмоқда.**

Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 27 июнда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Хўжаевнинг маълум қилишича, ўтган давр мобайнида республика даражасидаги 50 дан ортиқ ташкилот, 201 та туман ва шаҳарда биринчи марта ахборот хизматлари ташкил этилди. 70 га яқин ташкилотда эса бу хизмат қайта ташкил қилиниб, фаолияти такомиллаштирилди. Шунингдек, мазкур йўналишда барча ташкилот, вазирлик ва идораларда ушбу хизматнинг вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, ахборот хизмати раҳбари бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг матбуот котиби ҳисобланиб, ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи мақомига эга бўлди ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра, давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилди. Бу эса матбуот котибининг ўзи меҳнат қилаётган ташкилотда юқори мавқега эга бўлиши, ташкилот фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай муҳим жараёнда фаол иштирок этиши ва энг долзарб масалаларда жамоатчиликни тезкор хабардор қилишида алоҳида аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, олдинги матбуот хизматлари ўрнида шаклан ва мазмунан катта куч ва салоҳиятга эга, барча имкониятлар яратиб берилган ахборот хизматлари ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, қарор қабул қилингунга қадар ахборот хизматлари соҳасида жами 433 нафар мутахассис фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг умумий сони 1067 нафарни ташкил этмоқда. Яна энг муҳим жиҳат расмий ахборот манбаларининг кескин кўпайганидир. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг ишончли ахборотга бўлган талабини қондиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, матбуот котибларининг касбий малака ва кўникмаларини маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида ошириб бориш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Шу боис, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, матбуот котиблари ишини такомиллаштиришга қаратилган “Давлат органлари ва ташкилотлари очиқлигини таъминлаш: замонавий талаб ва тенденциялар” мавзуидаги ўқув-семинарда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, матбуот котиби ва ташкилот раҳбарининг имижини шакллантириш, ижтимоий тармоқлар билан самарали ишлаш, унга материал жойлашда эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлар, онлайн ва оффлайн ахборот тарқатишнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан машғулотлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ўқув-семинар машғулотларида “Матбуот котиби, ташкилот раҳбарининг индивидуал имижи ва корпоратив имиж компонентлари”, “Мақсадли аудиторияни аниқлаш ва у билан ишлаш усуллари”, “Ташкилот сайти: қулайлик ва ноанъанавийлик сари”, “ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун видеоматериал тайёрлашда мобиль телефонлардан фойдаланиш”, “Замонавий медиа муҳитида кризис коммуникациялар ва уларни бошқариш имкониятлари” каби мавзулар бўйича тренинглар ташкил этилади.

Ўқув-семинарнинг очилиш маросимида давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида очиқлик ва шаффофликка асосланган самарали қарорлар қабул қилиш тизимини жорий этиш, ахборот олишда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, очиқлиги ва масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларга махсус сертификат топширилади.

Биз ўзининг ақл машъали билан денгиз ортини ёритган Абу Райҳон Беруний, муҳаддислар имоми Бухорий, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг авлодларимиз. Шундай экан, ушбу буюк зотларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 ноябрь, 211-сон

Янгича ёндашувлар

# “INNOWEEK.UZ — 2020” ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ҲАФТАЛИГИ



## онлайн форматда ўтказилаётган тадбирларда 50 дан зиёд мамлакатнинг 2000 нафар вакили иштирок этяпти

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бугунги ахборот асрида мамлакат ривожида рақамли технологиялар, инновацион ғояларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб боряпти. Юртимизда бу соҳа тараққиётига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.**

Анъанавий тадбирга айланиб бораётган “InnoWeek.uz” инновацион ғоялар ҳафталиги пандемия сабаб илк бор онлайн тарзда ташкил этилди. Инновацион ривожланиш вазирлигида унинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳафталикда дунёнинг 51 дан зиёд мамлакатидан 2000 нафар иштирокчи, 18 мамлакатдан 83 та кўргазма идораси ва 39 нафар маърузачи, нуфузли халқаро ташкилот ва компаниялар вакиллари ва инновациялар соҳасидаги етакчи мутахассисларнинг қатнашиши кўзда тутилмоқда.

Ҳафталикнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси — Т-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи Олимжон Умаров иштирок этиб, барча юртдошларимизни ушбу инновациялар байрами билан қутлади. Шунингдек, жаҳоннинг энг кўзга кўринган олимлари, илм-фан арбоблари ҳам масофадан туриб, ҳафталик давомида бўладиган тадбирлар, йўлга қўйиладиган янги инновация ва ғояларга ўз муносабатларини билдирди.

— Халқаро инновациялар ҳафталиги — инновацион ютуқларни намойиш этиш ва инновацион ғояларни алмашиш учун ажойиб майдон, — дейди ХХРнинг “Ипак йўли” юқори ва янги технологиялар зоналари уюшмаси бош котиби Чжан Жэньчжун. — У нафақат Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш йўналишини белгилаши, балки глобал инновацияларни ривожлантиришга ижобий туртки бериши мумкин. Ҳозирги дунёда инновациялар ниҳоятда муҳим мавзу бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида унга талаб катта. Негаки инновациялар мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ривожланишини тезлаштириш, одамларга янада фаровонлик ва қулайлик келтиришга қодир. Инновация кенг тушунча бўлиб, бунинг учун фақат ўз кучимизга таянишимиз кифоя эмас, балки яқин ҳамкорликни талаб қилади. Шу мақсадда 2016 йилда ХХР Фан ва технологиялар вазирлиги ташаббуси билан юқори ва янги технологиялар зоналарининг “Ипак йўли” уюшмаси ташкил этилди. Бу эса халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик ва истеъдодлар алмашинуви учун майдон яратиб, фикр алмашиш ва ғояларимизни бирлаштиришга имкон беради. Шу билан халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириб, инновацион технология ва ғояларни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Таъкидлаш жоизки, виртуал реаллик технологиялари асосида ишлайдиган, Марказий Осиёдаги энг йирик технологик платформалардан бири бўлган “InnoWeek.uz — 2020” да макон ва вақт борасида чекловлар йўқ. Куннинг исталган вақтида исталган одам истаган жойидан 3D кўргазмага ташриф буюриши мумкин. Шу билан бирга, барча маълумотлар ташриф буюрувчи учун қулай бўлган шаклда тақдим этилади. Яъни бир неча сония ичида ўзингиз қизиққан йўналишларни топишингиз мумкин. Тадбир иштирокчилари учун ҳам катта қулайлик яратилган: платформада рўйхатдан ўтиш бир неча дақиқа давом этади, экспозицияни ташиш, ўрнатиш ва хавфсизлик каби муаммолар бўлмайди.

— Бугунги кунда атроф-муҳитнинг зарарланиши, чиқиндиларнинг кескин кўпаяётгани инсоният олдидаги энг катта муаммолардан бирига айланди, — дейди Исроил Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бош илмий ходими ва Исроил инновациялар бошқармаси раиси Рами Эпплбаум. — Дунёдаги ҳаётни барқарорлаштириш учун муҳим бўлган яна бир соҳа қайта тикланувчи энергиядир. Исроил бугунги кунда саноат, қишлоқ хўжалиги ва уй хўжаликларида ишлатилган сувнинг 91 фоизини қайта ишлаб, ундан самарали фойдаланмоқда. Сизнинг мамлакатингизда маҳсулот бор, энди янги технология ва қонун-қоидалар ҳақида ўйлашингиз керак. Янги технологиядан фойдаланиш тартибини жорий этиш, аҳолининг бу тартибга мослашишини таъминлаш, шу билан бирга, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарур. Исроил ва Ўзбекистоннинг ўхшаш томонлари кўп, масалан, ҳар икки давлат ҳам нисбатан ёш. Мамлакатларимизнинг сув, қишлоқ хўжалиги, киберхавфсизлик, тиббий асбоб-ускуналар ва хизматлар каби соҳалардаги ҳамкорлик имкониятларини кўрмоқдаман. Исроил инновацион бошқарув бўйича ҳам хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

“InnoWeek.uz — 2020” инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида онлайн кўргазма, International Robotics Challenge мусобақаси, Халқаро ёшлар инновацион форуми, Осиё ва Тинч океани технологиялар трансфери маркази ва “COVID-19 пандемиясининг ечимига қаратилган инновацияларнинг янги парадигмаси” ҳудудий виртуал воркшоплари, “Водород энергетикаси ва унинг қайта тикланувчи энергия манбалари ривожидаги ўрни” мавзуидаги халқаро инновацион-инвестицион форум каби тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, халқаро шартномалар ва меморандумлар масофавий тарзда имзоланади.

Пандемия сабаб шундай катта тадбирнинг онлайн форматда ташкил этилиши мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиётга ўтиши, технологияларнинг тараққий этишида янги бир даврни бошлаб беради. Ҳафта давомида ўтказиладиган энг муҳим ва қизиқарли тадбирларни дунёнинг исталган бурчагидан жонли эфирда томоша қилиш ҳамда кўргазмада қатнашишда VR минигарнитурадан фойдаланиш мумкинлиги фикримизни исботлайди. Ушбу имкониятдан фойдаланувчилар, қаерда бўлишидан қатъи назар, экспозицияларнинг бутун ҳажми ва макетини ҳис қилиб, тадбирда ҳақиқий иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

“InnoWeek.uz — 2020” доирасида ўтказиладиган барча тадбирлар нафақат технологияларни дунёга намойиш этиш учун улкан имконият, балки янгиликларнинг марказида бўлиш, соҳа вакиллари билан танишиш, алоқаларни ўрнатиш ва, албатта, потенциал инвесторларни топишга ҳам қаратилган.

Инновациялар ҳафталиги 8 ноябрга қадар давом этади.



Кун мавзуси

# ВАТАН ТАҚДИРИНИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Зулайҳо АКРАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари**



**Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида 10 га яқин таклиф ва ташаббусларни илгари сурган эди. Бугун ушбу маъруза ва унда келтирилган таклиф-мулоҳазаларга кўплаб давлат арбоблари, сиёсатчилар, олимлар ўз муносабатини билдирмоқда. Чунки маърузада минтақавий ва дунёвий масалалар кўтарилган ва ечими бўйича таклифлар билдирилган эди.**

Қолаверса, барқарор ривожланиш ва тараққиёт мақсадларига эришиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бутун дунёда парламент иштирокини ошириш ва шу соҳада ишлаб чиқилаётган қонунлар ижросини жойларда таъминлашда парламент назоратини кучайтириш имкониятларини беради.

Хусусан, бугунги глобаллашув даврида тарбия масаласи нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда муҳим вазифага айланяпти. Чунки ҳар бир давлат тараққиётининг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч — илм-фан, таълим ва тарбия эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Буюк алломаларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар ўз асарларида биринчи ўринда тарбияга эътибор қаратилиши зарурлигини ёзиб қолдиргани ҳам бежиз эмас. Юртнинг тақдири ёшлар олган билим ва тарбияга боғлиқ. Шу сабабли таълим тизимида тарбиянинг алоҳида фан сифатида ўтилиши биринчи вазифа этиб белгиланди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидан энг муҳими миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказиш, таълими ва тарбиясини лозим даражада таъминлаш ҳисобланади. Шу боис, ёшлар тафаккурининг софлигини сақлаш, уларнинг кайфияти, орзу-умидлари, интилишларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш, келажагимиз ворисларини ҳар томонлама билимли, маърифатли қилиб тарбиялаш ниҳоятда долзарб вазифадир. Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида тараққиётнинг тамал тоши мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч илм-фан, таълим ва тарбия, деб таъкидлаб ўтди. Ушбу фикрлар замиридан, биринчи навбатда, таълим соҳасининг вакиллари бўлган педагог, мураббийлар зиммасидаги улкан ва шарафли бир масъулият, миллат олдидаги бурчни тушуниш мумкин.

Давлатимиз раҳбари нутқини тинглар эканмиз, бугунги кунда жамиятимизда ёшлар таълими ва тарбиясида аҳамият қаратиш лозим бўлган энг долзарб жиҳатлар қуйидаги тамойилларда намоён бўлаётганини кўрамиз. Хусусан, бугунги янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшлар таълим-тарбиясида, замон талаблари асосидаги замонавий таълим воситалари билан ҳамоҳангликда шарқона менталитетнинг синалган услубларига, тарихий меросимиз дурдоналарига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида яна бир бор Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Шундай экан, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданиятнинг моҳиятини англаш борасидаги қонунларга амал қилиш, янги демократик тамойилларни идрок этиш ва қабул қилиш, ижтимоий ва сиёсий онг, демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада соғлом вазиятни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, замонавий тарбия технологияларини жорий қилиш талаб этилади.

Ёшлардаги ҳуқуқий онг ва маданият, миллий мафкуранинг вужудга келишида маънавият асосий ўрин тутади. Маънавият улар қалбида камол топиши учун эса ҳар бир ёш авлод ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилинаётган бир шароитда яшаётгани ва ўқиётганини чуқур ҳис қилиши керак. Чунки ҳуқуқий онг ва маданият даражасининг ўсиб бориши фуқароларнинг давлатга, келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Шахснинг ҳуқуқий мафкура ва маданияти давлат тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Булар эса ёшларни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, тарбиянинг юксак кўриниши саналади. Унинг асосида фуқароларга юклатилган янгича бурч ва мажбуриятлар, берилган ҳуқуқ ва эркинликлар, жамият ва давлат, халқ манфаати тушунчаси, Ватан учун ўзини сафарбар қила олишга ишонч кучи ётади. Таъкидлаш жоизки, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган айни пайтда фақат ўз фикри ва қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга бўлган халқ ва унинг тўғри йўлини танлаган ёш авлод ўз келажагини қуришга қодир.

Ёшлар учун касбга йўналганлик ва касбий тайёргарликка интилиш муҳим масала бўлиб, уларнинг тафаккур ва хулқида асосий мазмун касб этади. Айнан шу фаолият билан ёшлар ўзларининг жамиятдаги ижтимоий ўринларини ҳис қилади. Ёшларнинг юқори даражадаги малака ва обрў-эътиборли касб эгаллашга интилишлари табиий. Бу борада ёшларнинг касб танлашларида ота-оналар, ўқитувчилар ва жамоатчилик фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, таълим соҳаси вакиллари ёшларнинг қанчалик касб-ҳунар эгаллашлари ҳамда билим олишларига бирдек масъул.

Қолаверса, таълим-тарбиядаги яна бир муҳим масала ёшларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, миллий ғоя, мафкуранинг асосий тушунчалари ҳамда принципларини улар онгига сингдириш, миллий ўзликни англаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишдир. Миллий ўзликни англаш, миллий давлатчилигимизни шакллантириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, хавфсизлигига хавф туғдираётган, конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилаётган ёвуз ижтимоий-сиёсий кучларга қарши кураш руҳида ёшларни тарбиялаш муҳим омилдир. Ёшларда миллий ўзликни англаш қобилиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг йўналишларидан бири — миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришдир. Миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришда миллий тарбиянинг ўрни ва роли беқиёс. Миллий тарбияни замон талаби даражасида ташкил қилмасдан ва амалга оширмасдан миллий давлатчилигимизни ташкил қилиш ва унинг мустақиллигини таъминлашимиз, ёвуз кучлар таҳдидидан муҳофаза қилишимиз амримаҳол.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзларини бежиз тилга олмади. Таълим ва тарбия масаласи ҳар бир даврда долзарб аҳамиятга эга. Бусиз тараққиёт ҳам бўлмайди. Қўшимча қилиб, яна шуни айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, эртанги кун эгалари бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама билимли, кучли, ҳаёт синовларига бардошли, бугунги эркин ва фаровон кунларнинг қадрини теран идрок этадиган, Ватанимиз мустақиллигини асрашда камарбаста қилиб тарбиялаш нафақат устоз-мураббийлар, балки барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай давлатнинг келажаги — бу унинг маърифатли, ақлли ёшларидир. Билим олиш — ҳозирги авлоднинг Ватан келажаги олдидаги қарзи ҳисобланади. Бугун бутун дунёдаги каби ўзбек халқи бошига ҳам синовли кунлар тушди, Ватанимиз, халқимиз учун қўлимиздан нима келишини амалда исботлайдиган вақт келди. Ҳар бир фуқаро ўз касбидан келиб чиққан ҳолда, коронавирусга қарши курашишга ҳамда зиммасидаги вазифасини астойдил бажаришга бел боғлаган. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, сабр-матонати билан бу синовли кунларни, албатта, енгамиз.

Зеро, биз дунё тамаддунининг бешиги ҳисобланган Ўзбекистон фарзандларимиз. Биз ўзининг ақл машъали билан денгиз ортини ёритган Абу Райҳон Беруний, муҳаддислар имоми Бухорий, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг авлодларимиз. Шундай экан, ушбу буюк зотларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун эса Президентимиз таъкидлаганидек, “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”.

Янги тажриба

# ИЛК ТАЖРИБА КУЗАТУВЛАРИ БОШЛАНДИ

## Бўка ва Чиноз туманларида ўтказилган тадқиқотлар камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда асқотади

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Мамлакатимизда камбағалликни бартараф этиш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ восита ва усулларни реал ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш энг самарали йўл сифатида баҳоланмоқда.**

Шу мақсадда республикадаги вазирлик ва идораларнинг 78 нафар мутахассисидан тузилган махсус ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг Бўка ва Чиноз туманларида бўлиб, камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганиш бўйича тажриба кузатувларини олиб борди. Унда жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибаси, хусусан, АҚШнинг таниқли олимлари, 2019 йилдаги Нобель мукофоти лауреатлари Абхижит Банержи, Эстер Дюфло ва Майкл Кремернинг камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказган тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

Илк босқичда мутахассислар 8 кун давомида Бўка туманидаги 504 та, Чиноз туманидаги 648 та хонадонга кириб, аҳоли билан суҳбат асосида зарур маълумотларни тўплади. Кузатувлар давомида уй хўжаликлари таркиби, яшаш шароитлари, истеъмол харажатлари, реал даромадлари, узоқ муддат фойдаланадиган воситалари, оилалар аъзоларининг моддий неъматлар ва ижтимоий хизматлардан фойдалана олиш имкониятлари, жумладан, бепул тиббий хизматдан фойдаланиши, фарзандларининг таълим олиши сифати, моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббуслари ўрганилди.

— Тажриба кузатуви ўтказилишидан олдин 4 кун давомида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ҳудудларда эҳтиёжманд аҳоли билан ишлаш, камбағалликни қисқартиришда ижтимоий ҳимоя тизимини янгича услублар, маҳаллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиш, уй хўжаликларида кузатувлар ўтказиш, эҳтиёжманд оилалар аъзолари билан мулоқотга киришиш бўйича семинарлар ўтказилиб, ҳудудлар фуқароларининг билим ва кўникмалари оширилди, — дейди Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Камбағалликни қисқартириш сиёсатини юритиш департаменти директори Илҳом Маматқулов. — Мазкур ўқув семинарлар кузатувнинг тўғри ва сифатли ўтказилишига хизмат қилди. Натижада жараёнлар очиқ, шаффоф тарзда ўтказилиб, эҳтиёжманд оилалар аъзолари билан маҳалла раиси ёки масъул шахслар иштирокисиз эркин суҳбатлашди. Олдимизда бир қанча мезонлар бўйича таҳлил ўтказиш вазифаси тургани боис, ҳар бир уй хўжалигида ўтказилган суҳбат ўртача 1,5-2 соат давом этди.



Тажриба кузатуви учун Бўка ва Чиноз туманлари танлангани бежиз эмас. Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида бу борадаги ишлар таҳлили бошланган эди. Рейтинг натижалари бўйича юртимизнинг барча туман ва шаҳарлари “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилди. Қарор билан белгиланган мезонларга кўра, Бўка тумани “қониқарсиз”, Чиноз тумани эса “ўрта”, деб баҳоланди. Шу боис, мутахассислар тажриба кузатувини мазкур ҳудудлардан бошлашга қарор қилди.

Айни пайтда 125,5 минг аҳоли истиқомат қилаётган Бўка туманида 5 812 оила “темир дафтар”га киритилган. Чиноз тумани аҳолиси нисбатан кўпроқ. Ҳудудда 133,6 минг аҳоли истиқомат қилиб, оилалар сони 35,4 мингтани ташкил этади. Ҳозирги кунда 1 659 та оила “темир дафтар” рўйхатида турибди.

Айтиш жоизки, камбағаллик нафақат аҳолининг муайян қатлами, балки жамият ва давлат ривожланиши, тараққиётига тўсиқ бўлувчи ғовдир. Бу муаммога қарши давлат ва жамият биргаликда курашсагина, самарали натижаларга эришиш мумкин. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”, дея илк бор камбағалликни қисқартириш йўналишини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Ўтган қисқа вақт ичида камбағалликка қарши кураш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ташкил этилган махсус ишчи гуруҳнинг вазифаси ҳудудлар аҳолисининг ҳақиқий аҳволини ўрганиб, амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб олишдан иборат. Ҳозирги пайтда Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда тўпланган маълумотларни таҳлил қилинмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича туман, вилоят ва республика даражасида таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, инфратузилма ва арзон уй-жой билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўналишларида “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шунингдек, кузатувлар якуни бўйича олинган маълумотлардан Ўзбекистонда камбағаллик чегарасини аниқлаш, “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчиси” бўйича ҳисоб-китоб ишларини якунига етказиш, аҳолининг базавий истеъмол харажатлари ва камбағаллик чегараси мезонини ҳисоблашни амалиётга жорий этиш ҳамда республикада камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш режалаштирилган.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

**Олимжон ДАВЛАТОВ,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори, навоийшунос олим,**

**Шуҳрат РИЗАЕВ,**
**филология фанлари номзоди, адабиётшунос**

**Мавлоно Абдураҳмон Жомий “Лайли ва Мажнун” достонининг Ҳазрат Навоий васфидаги бобида шогирди, маслакдош дўстига замон ва маконни ўз забтига олган зот, дея таъриф беради. Валийсифат устознинг ушбу таърифида заррача муболаға йўқлиги, балки бу ҳақиқат беш асрлик тарихда қайта-қайта ўз исботини топганини мушоҳада этишимиз мумкин: даврлар, сиёсатлар, ҳукуматлар ва тузумлар ўзгарди, аммо Ҳазрат Навоийнинг беназир шахсияти ва улкан ижодий мероси бу ўзгаришлардан заррача бўлса-да, халал топмади. Аксинча, барча давру замонда сиёсат аҳли ҳам, зиё ва маърифат фидойилари ҳам, қолаверса, туркий ва форсийдан хабардор кишилар ҳам бу маънавий хазинага бот-бот мурожаат қилиб, руҳий қувват олди.**



# МИЛЛАТ ВА МАНГУЛИК ТИМСОЛИ

Илм ва ижод кишилари шахсияти ва фаолияти бетакрор бўлгани каби уларнинг тақдири ҳам турлича кечган: қайсидир олим ё адиб ҳаётлиги даврида эътибор топмай, вафотидан кейин иззат ва эътироф шоҳсупасини эгаллаган бўлса, айрим шоирлар эса ҳаётлиги даврида жамики имтиёз ва мурувватдан баҳраманд бўлиб яшагани билан асарларининг умри ўзидан ҳам қисқароқ бўлган. Ҳазрат Навоий бу борада толели шоир эди. Бу зот ҳаётлиги даврида ҳам, боқий дунёга риҳлат қилганидан кейин ҳам ҳамиша мартабаси осмон қадар юксакликда бўлган. Асрлар давомида туркийзабон шоирлар бу мукаррам зотни ўзларига маънавий пир, деб билиб, ижодидан таъсирланган, шеърият муҳиблари мангу барҳаёт ғояларнинг бадиий ифодаси бўлган асарларидан оламолам завқ туйган. Навоий нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки барча туркийзабон халқлар адабиёти ва маданиятини бирлаштирувчи ягона маънавий байроққа айланди.

Сўнгги бир аср давомида навоийшунослик жадал ривожланиб, ўзбек мумтоз адабиётшунослигининг мустақил тармоғи сифатида шакллангани боис Ҳазрат Навоийнинг шахсияти ва ижодини тадқиқ этиш бўйича жуда кўп ютуқларга эришилди. Алишер Навоийнинг асарлари тўлиқ ҳолда нашр этилди, бир юз элликка яқин номзодлик ва докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, қатор монографиялар ва рисолалар, бадиий асарлар яратилди. Бир вилоят ва шаҳар, олий ўқув юрти (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети), Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Адабиёт музейи, Тошкентдаги Катта академик опера ва балет театри, санъат саройи, метро бекати, ўнлаб кўчалар ҳазрат номи билан аталган. Пойтахтнинг учта жойида ҳамда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида Алишер Навоий ҳайкаллари ўрнатилди. Москва, Токио, Шанхай, Боку, Минск, Душанбе каби шаҳарларда ҳам Навоий ҳайкали қад ростлаб турибди.

Ана шу хайрли ишларнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг “Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилиниши мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Мутафаккир шоиримиз таваллудининг 580 йиллигини нишонлашни олий даражада ташкил этишга қаратилган ушбу қарор маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятли. Улуғ Навоий меросини кенг кўламда ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали халқимиз тафаккур тарзига хос бўлган буюк ижодкорлик руҳини қувватлантириш, истеъдод эгаларини илҳомлантириш каби эзгу ва олижаноб ниятлар қарорнинг мазмун-моҳиятига сингиб кетган. Тўртта илмий-амалий конференция, янги спектакллар, бадиий фильмлар, тасвирий санъат асарларини яратиш, навоийшуносликка оид манбаларнинг электрон платформаси ҳамда Навоий асарлари асосида мобиль иловалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, хориждаги қўлёзмаларининг факсимиле нусхаларини келтириш, Навоий асарларининг янги илмий нашрини тайёрлаш, бу бебаҳо меросни чет тилларга таржима қилиш каби вазифалар мамлакатимиз ва хорижда истиқомат қилаётган барча илм, адабиёт, санъат аҳлининг илмий-ижодий имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга асос бўлади. Бу эса Учинчи Ренессанс ғоясига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Мазкур қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, илк маротаба Навоийнинг илмий-ижодий меросини ҳамда беназир шахсиятини тадқиқ ва тарғиб этишга тизимли равишда ёндашилган. Қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш эса ушбу умрбоқий сарчашмадан баҳраманд бўлишни умуммиллий иштиёққа айлантиради.

Айниқса, ёшлар тарбиясида Алишер Навоийнинг роли ва аҳамияти тўғри баҳоланиб, “Навоий ворислари” ғазалхонлик танлови ҳамда Президент ва ижод мактаблари ўқувчилари орасида “Навоийни англаш” иншолар танловини ўтказиш, “Навоий ва ёшлар” махсус дастурини ишлаб чиқиб, ёшлар орасида тарғиб этиш каби вазифаларнинг белгиланиши яқин келажакда ижобий маънода “портлаш эффекти”ни вужудга келтиришга асос бўлади. Негаки, буюклик болаликдан бошланади. Башарият тарихида ўзидан ёрқин из қолдирган зотларнинг таржимаи ҳолига назар ташласак, ажиб бир уйғунлик ва ўхшашликнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин: Рудакий 8 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олган, Навоий болалигидаёқ “Бўстон”, “Гулистон” каби асарларни севиб мутолаа қилиш баробарида “Лисон ут-тайр” достонини ёддан билган, Моцарт ўзининг илк симфониясини 5 ёшида ёзган... Албатта, бундай даҳолар кам туғилишини ҳаммамиз биламиз, лекин таълим ва тарбия воситасида ҳар қандай истеъдодли болани маънавий етук, руҳияти соғлом, дунёқарашини кенг қилиб тарбиялаш имкони борлиги ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.



> **Мутафаккир бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, бунинг учун икки тил эмас, тўрт тил – ўзбек, араб, форс ҳамда хорижий тилларнинг бирини мукаммал биладиган, шунингдек, мумтоз асарлар матнининг сир-асрорини мукаммал ўзлаштирган мутахассисларни етиштирувчи ушбу ижод мактабида барча билимларни бирлаштирувчи маънавий ҳалқа Алишер Навоий ижоди бўлмоғи лозим. Негаки, Навоийнинг тафаккур оламини англаш кўп минг йиллик Шарқ тафаккури хазинасига олтин калитни қўлга киритиш демак.**

“Башорат эшиги бекитилган. Шунга қарамай, келажакда халқингнинг аҳволи қандай бўлишини билишни истасанг, болаларнинг орзулари ва интилишлари билан қизиқиш керак”, деб айтганди аллома Замахшарий. Бугун мактаб партасида ўтирган жажжи фарзандларимиз ҳоким ё вазир, олим ё шоир, тижоратчи ё спортчи бўлишни кўнглига тугиб қўйган. Бу орзулар муайян даражада амалга ҳам ошади. Лекин ҳаётнинг ҳақиқати шуни кўрсатиб турибдики, агар таълим-тарбияда хатога йўл қўйилса, унинг аччиқ самараси бошимизга катта кулфат бўлиб қайтиши мумкин. Шунинг учун ҳам Навоийнинг бебаҳо меросидан халқимиз, айниқса, ёш авлод қанчалик баҳраманд этилса, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Бунинг учун эса, қарорда белгиланган каби, боғчадан бошлаб олий таълим босқичига қадар Алишер Навоий асарларини ўқитишнинг узлуксиз таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим бўлади.

Алишер Навоий биографиясини бугунги Ўзбекистон ҳудуди билан боғлаб турувчи энг муҳим нуқта Самарқанд шаҳри бўлган. Ушбу шаҳар улуғ мутафаккирнинг касби камол этишида муҳим ўрин эгаллаган, таъбир жоиз бўлса, бобомиз Самарқанд илмий ва адабий мактабининг толиби илми бўлган. Навоий ёшлигида XV аср мусулмон Шарқининг энг муҳим илмий ва маданий маркази ҳисобланган Самарқандда замоннинг етук алломалари ҳузурида савод чиқарган. Айниқса, машҳур аллома Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий у кишини ўзига маънавий фарзанд деб билгани манбалардан маълум. Таассуфлар бўлсинким, ёш Алишербекка фиқҳ, ҳадис ва калом илмларидан сабоқ берган бу донишманднинг мақбараси ҳамда Навоий сабоқ олган мадрасага йиллар давомида етарли даражада эътибор бўлмади. Келгуси йилда Самарқанднинг ушбу табаррук маскани ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиши Навоий номига муносиб хайрли амаллардан бўлишига шубҳа йўқ.

Шунингдек, Алишер Навоий номи билан орден таъсис этилиши ҳам тадқиқотларнинг муносиб қадрланишига, рағбатлантиришга хизмат қилади, деган фикрдамиз. Одатда орден ва медаллар машҳур ҳукмдорлар ва саркардалар номи билан жорий этилади. Назаримизда, Алишер Навоий номидаги орденнинг таъсис этилиши янги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини илм-маърифат билан чамбарчас ҳолда кўраётганининг ёрқин ифодасидир.

Аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: истиқлолнинг дастлабки йилларида илм-фан аҳлига етарлича эътибор берилмагани, узоқ йиллар жамиятда авторитар тафаккур ҳукм сургани бугунги кунда навоийшунослик соҳасида ҳам ўзининг салбий оқибатларини намоён этмоқда. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилгани учун ғариб бир аҳволга тушгани, бугунги кунга келиб Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Алибек Рустамов, Абдуқодир Ҳайитметов, Нажмиддин Комилов сингари устоз навоийшуносларнинг орамизда йўқлигини билдирмайдиган янги авлод навоийшунослари етишиб чиқмагани, Алишер Навоий ижоди бўйича қилинган тадқиқотларнинг аксар қисми мавсумий характерга эга бўлиб, чин кўнгилдан шу соҳани ривожлантиришга бел боғлаган олимларнинг заҳматлари вақтида қадр топмагани каби муаммолар соҳада йиғилиб қолгандики, буларнинг ечимини топиш тизимли ва оқилона ёндашувни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам қарорда Алишер Навоийнинг шахсияти, унинг ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган, таассурот кўламини кенгайтирадиган амалий ишларни бажариш тизимини мукаммаллаштириш мақсадида Алишер Навоий номидаги ижод мактаби ҳамда халқаро жамоат фонди таъсис этилиши ҳам назарда тутилган. Назаримизда, ушбу икки муассасанинг фаолияти бир-бирини тақозо қилади. Халқаро жамоат фонди жаҳон илм-фанининг янги ютуқларига таянган ҳолда Алишер Навоий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга ихтисослашса, ижод мактаби Навоийдек ҳам илмий-бадиий ижодда, ҳам ижтимоий фаолият жабҳасида Ватан ва миллат корига ярайдиган буюк ишларга қодир шахсларнинг камол топишига замин яратади.

Алишер Навоий номидаги ижод мактаби республикамиздаги Президент ҳамда ижод мактабларининг таянч таълим муассасасига айланиши учун унинг таълим дастури ва ўқитиш методикасини пухта ўйлаб татбиқ этмоқ зарур. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида биз олдинги икки уйғониш давридаги илмий ва адабий-фалсафий манбаларни ўрганиб, амалиётга жорий этишимиз керак. Бу вазифани амалга ошириш учун кучли матншунос ва манбашунослар, ҳам замонавий, ҳам мумтоз билимлардан хабардор бўлган авлодга катта эҳтиёж сезилмоқда. Мутафаккир бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, бунинг учун икки тил эмас, тўрт тил – ўзбек, араб, форс ҳамда хорижий тилларнинг бирини мукаммал биладиган, шунингдек, мумтоз асарлар матнининг сир-асрорини мукаммал ўзлаштирган мутахассисларни етиштирувчи ушбу ижод мактабида барча билимларни бирлаштирувчи маънавий ҳалқа Алишер Навоий ижоди бўлмоғи лозим. Негаки, Навоийнинг тафаккур оламини англаш кўп минг йиллик Шарқ тафаккури хазинасига олтин калитни қўлга киритиш демак.

Ўзининг мислсиз ижоди билан жаҳон бадиий тафаккури хазинасини бойитган энг йирик шоир ва адиблар — Ҳомер, Фирдавсий, Шекспир, Гёте, Пушкин, Байронлар сафида Навоий ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллагани рад этиб бўлмас ҳақиқат. Афсуски, бу бебаҳо меросни таржима ва тарғиб этиш борасида шу пайтгача арзирли ишлар амалга оширилмади. Ҳаттоки, ўзбекистонлик навоийшуносларнинг илмий натижалари етарли даражада оммалашмагани сабабли хориждаги навоийшунослар бизнинг илмий ютуқларимиздан бехабар қолиб келмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, нуфузини мустаҳкамламоқчи бўлган ривожланган давлат ва миллатлар буюк адиб ҳамда мутафаккирларининг гуманистик ғоялар билан суғорилган меросини тарғиб этиш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқда. Гёте, Шекспир, Пушкин, Юнус Эмро номидаги халқаро тадқиқот марказлари ва институтларнинг дунё бўйлаб очилган филиаллари фаолиятини кўриб, “қанийди, биз ҳам Навоий бобомиз меросини шу тариқа олам аҳлига таништириш имконига эга бўлсак”, деган ўкинч ҳар бир ўзбек зиёлисининг қалбини ўртаб тургувчи армон эди. Қарор асосида ташкил этилаётган Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ана шу миссияни бажариш учун камарбаста бўлиб, олам аҳлига “назм оламининг Ўзбекистони”ни (шоир Эшқобил Шукурнинг Ҳазрат Навоийга берган таърифи) танитса, жаҳон ҳамжамиятининг ўзбек халқи ва унинг шонли тарихига бўлган муносабатини эҳтиром ва эътироф мезонларида кўришга ундайди. Қолаверса, Алишер Навоий асарларининг янги илмий нашрини тайёрлаш, деярли қирқ йилдан буён ниҳоясига етмай келаётган тўрт жилдлик “Навоий энциклопедияси”, “Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати” каби катта илмий аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишларининг рўёбга чиқишида ҳам янги таъсис этилаётган жамоат фонди асосий кўмакчи бўлади, деган умидимиз бор.

Таниқли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов Ҳазрат Навоий тафаккур оламини теранликда тубсиз уммонга, юксакликда қўл етмас чўққига қиёслаган эди. Ана шундай теран ва айни пайтда юксак маънавий меросни ёшларнинг кўнгил мулкига айлантириш бўйича қилинган ишлардан кўра, амалга ошириш лозим бўлган ишларимиз кўпроқ. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” лирик асарлар куллиёти таркибига кирган тўрт девонда жами 2600 ғазал мавжуд бўлиб, бугунгача олимларимиз томонидан атиги 200 га яқин ғазал шарҳланган, холос. Ана шу кемтикликни тўлдириш мақсадида “Навоий ва ёшлар” туркумида “Ғаройиб ус-сиғар” девони таркибига кирувчи 650 ғазал шарҳи қамраб олинган 10 жилдлик “Маънолар хазинаси” китобини тайёрлаш, бобомиз асарларининг насрий баёни акс этган, кенг жамоатчиликка мўлжалланган оммабоп, ихчам китоблар нашр этиш каби вазифалар ҳам қарорда белгиланганки, бу китоблар ёш авлоднинг Алишер Навоийнинг маънавий олами билан янада яқинроқ танишишига имкон яратади.

Ҳар қандай ободлик кўнгил ободлигидан, ҳар қандай ҳуррият ва эрк қалб ва тафаккур эркинлигидан бошланади. Шу маънода, Алишер Навоий мероси – фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги кишанларидан халос этувчи муҳим восита. Қарорда белгиланган вазифаларни бир йилга мўлжалланган тадбирбозлик ва ура-урачиликка айлантирмаслигимиз керак. Бу қарор шарофати билан ўзбек миллий маънавиятининг ўқ томири бўлган Алишер Навоий ижодини том маънода халқимизнинг кўнгил мулкига айлантиришга хизмат қиладиган самарали тизимни яратиш ҳамда бу йўналишдаги ислоҳотларимиз истиқболини белгилашимиз лозим. Белгиланган вазифа ва чора-тадбирлар агар мутасаддилар томонидан сидқидилдан амалга оширилса, миллий ўзлигимизни англаш, маънавий оламимизнинг ранг-баранг бўлиши, одамийликнинг ёруғ манзиллари томон илгарилаб боришимизга кенг имкониятлар йўллари очилади. Муҳими ҳам шу.

Санъат




**Санъат инсоният цивилизациясининг энг гўзал ҳодисаларидан бири бўлиб, рассомлик ушбу гўзалликни энг яхши бир шаклда ўзида мужассам этади. XV-XVI асрларнинг атоқли рассоми Камолиддин Беҳзоддан мерос қолган асарлар бунга яққол мисолдир.**

# НОВАТОР МИНИАТЮРИСТ

**Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ,**
**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси**

Камолиддин Беҳзод ўзининг бир қатор янгиликлари билан рассомлик санъати, жумладан, миниатюра яратиш услубларига муҳим ўзгаришлар киритди. У ўз даврининг маданият ва санъат маркази бўлган Ҳирот шаҳрида дунёга келди.

Тарихий манбаларга кўра, темурийлар сулоласи ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаронинг рассоми ва кутубхоначиси, Мирак Ҳусайний номи билан машҳур бўлган Амир Руҳуллоҳ унинг тарбиясини ўз зиммасига олди. Бундай муҳит Камолиддинда санъатга нисбатан қизиқиш уйғотди. У дастлаб машқ қилишни ўрганди, сўнгра *тазҳиб* — қўлёзма китобларга олтин суви югуртириш санъатини ўрганишга киришди, устози Мирак Ҳисорий ҳузурида эса рассомлик таълимини олди.

Айтишларича, у Хитой рассомлик мактаби билан яхши таниш бўлган Пир Саййид Аҳмад Табризийдан ҳам дарс олган. Беҳзоднинг истеъдоди Султон Ҳусайн Бойқаро ҳамда унинг маданиятпарвар вазири Амир Алишер Навоийнинг назарига тушиб, у Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонасининг раҳбарлигига тайинланади. Беҳзод кейинчалик Шоҳ Исмоил Сафавийнинг Табриздаги саройига бориб, унинг кутубхонаси раҳбарлигини ўз зиммасига олади. Умрининг охирига қадар Табризда қолиб, мусаввирлик фаолияти ҳамда таълимига машғул бўлади ва мана шу ернинг ўзида вафот этади.

Беҳзод ўтмиш аждодлар меросидан фойдаланган ҳамда ўзигача ўтган санъаткорларнинг асарлари ва ютуқларидан хабардор бўлган ҳолда, шунингдек, ўз даврининг интеллектуал муҳити, ўзининг Амир Алишер Навоий маданий-ижодий уюшмасига қарашлилиги ва ушбу шахс билан бўлган муносабатлари натижаси ўлароқ ҳосил бўлган идеалистик ва гуманистик дунёқараши туфайли маданий меросни ўз даврининг муаммолари ва талаблари, ўзига хос юксак ғоявий асослар ҳамда индивидуал ижодга оид янги усуллар билан боғлаш учун янги йўлларни топишни мақсад қилган эди. Унинг миниатюра соҳасига киритган янгиликлари ирфон, ҳақиқат, адабиёт, табиат ва реаллик билан боғлиқ равишда шаклланди. Булар янги усуллар бўлиб, Камолиддин Беҳзод уларни икки йўналишда — ишлов бериш ва техникада, мавзулар ва мазмунларда қўллашга муваффақ бўлди.

Техника ва ижро усуллари соҳасида Беҳзод асарларининг асосий қисми унинг замондошлари бўлмиш тарихчилар асарлари, масалан, Амир Темур ҳукмронлиги даврида юз берган тарихий воқеалар, у томонидан олиб борилган урушлар ва амалга оширилган қурилишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи “Зафарнома” асарида келтирилган маълумотлар асосида тарихий воқеаларни қайта тасвирлашга бағишланган.

Рассом асарларининг яна бир қисмида реал шахслар ва воқеалар, бошқа бир қисмида эса китоблар билан боғлиқ бўлган ёки адабий матндан алоҳида бўлган ҳолатлар тасвирланган. Беҳзод бу борада ўзигача мавжуд бўлган миниатюрачилик анъанасига мувофиқ, реал оламни тасвирлаш ҳамда тасвирли маълумотлар бериш мақсадида табиий хусусиятларни ишга солади. Бироқ тасвирланган шахслардан ҳар бирини жонлантириб, ўзига хос тасвир объектларига айлантирганидан сўнг уларни ҳаракатга келтиради. У ўзининг интеллектуал хусусиятлари ҳамда инсонга ва инсоннинг ижтимоий фаолиятига бўлган ўзгача қарашидан келиб чиққан ҳолда асарларида ҳиссиёт, ақл ва тафаккурни мутаносиб ва моҳирона бир тарзда қўллайди-да, инсоннинг поэтик реаллигини тасвирлаб беради.

Инсон портрети бутун Эрон рассомлик санъатида, жумладан, Камолиддин Беҳзод ижодидаги энг муҳим унсурлардан ҳисобланади. Унинг тарҳлаш, чизиш ва мутаносиблаштириш усули Эрон эстетикаси асосларидан илдиз олган бўлиб, ундаги реализмдан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг изланишлари шуни кўрсатадики, Беҳзод ижодидаги портрет жанрида яратилган асарларни уларда ҳоким бўлган хилма-хилликни инобатга олган ҳолда қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, лирик портретлар, иккинси дарвешона ва сўфиёна портретлар, оддий халқ оммаси вакиллари портрети.

Беҳзод ижодидаги лирик портретларнинг асосий мазмуни форс адабиёти ва достонларидан олинган. Ҳатто ушбу портретларнинг эстетик унсурларидан бир қисми инсоннинг форс адабиётидаги эстетик тавсифига мувофиқ келади. Дарвешона ва сўфиёна портретлар ҳам сўфиёна қарашлардан олинган бўлиб, муайян даражада Ҳирот шаҳрида сўфийлик доираларининг равнақи билан боғлиқдир.

Гапнинг индаллоси шуки, Камолиддин Беҳзодни ўз даврининг новатор, ташаббускор ва ростгўй даҳоси деб ҳисоблаш мумкин. У ўз давридаги жа-



раёнларга мутаносиб равишда ҳамда турли халқлар санъатлари хусусиятларидан фойдаланган ҳолда миниатюра санъатида янги бир услуб яратди ёхуд адабиёт, ирфон, антропология ва жамиятшунослик билан чамбарчас боғлиқ бўлган миниатюра санъати томон янги ва муҳим бир эшик очди.

Камолиддин Беҳзод Эрон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг дўст ва биродар халқларини бир-бирига боғлаб турадиган ҳамда ушбу уч мамлакат санъаткорлари ва халқ оммаси томонидан улуғланадиган улуғ шахслар жумласига киради. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу атоқли шахснинг таваллуд тўйи келгуси йилда мазкур уч мамлакатнинг маданият ва санъат аҳли томонидан биргаликда ўтказилса, айни муддао бўлар эди.

**Ўзбекистон — Хитой археология экспедицияси томонидан 2017-2018 йилларда Работ мозор қўрғонларида 94 та қадимги қабр очилган. Бу жойлардан юзлаб тақинчоқлар, мунчоқлар, ойналар, сопол идишлар, темир буюмлар топилган.**



Туризм








**Тўхташ АННАЕВ,
Миллий археология маркази катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди**

# ҚАДИМ СУРХОН ЗАМИНИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАЛАРИ



**Музейлар ўтмиш ва бугунни боғловчи маънавий кўприкдир. Уларда сақланаётган қадимий ва ноёб экспонатлар эса миллатнинг бебаҳо хазинаси. Бугун Сурхондарё вилоятида Термиз археология, Сурхондарё вилояти давлат тарихи ва маданияти, Ҳаким Термизий меъморий мажмуаси қошидаги Термиз ва термизийлар мероси музейлари фаолият кўрсатмоқда. Бу иншоотлар халқимиз меросини асраш, ёш авлодни аждодлар турмуш тарзи билан таништириш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, шунингдек, сайёҳликни ривожлантиришга хизмат қилади.**

Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятлар марказларидаги музейлар фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда туманларда давлат тасарруфидаги музейлар филиалларини ташкил этиш белгиланган. Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилиши лозим. Боиси, воҳа туманларида осори-атиқалар жуда кўп.

Музработ тумани ҳудудидаги Кампиртепа шаҳар қалъаси эрамиздан аввалги IV-II асрларда Амударё кечувидан ўтувчи савдо карвонларининг қўнимгоҳи бўлган. Узоқ-яқиндан келадиган карвонлар мазкур манзилда ҳафталаб тўхтаб, савдо-сотиқ билан шуғулланган.

Умумий майдони 4 гектардан зиёд Кампиртепа шаҳар қалъаси қолдиқларини аниқлаш мақсадида археологлар Салавкийлар, Юнон-Бақтрия, Кушон подшолиги даврида зарб этилган ноёб тангалар, бадиий санъат намуналари ҳисобланган ҳайкалчалар, турли ҳунармандлик, кулоллик, темирчилик буюмлари, сополнинг сирти ва қайин дарахтлари пўстлоғига битилган қадимий ёзув намуналарини топган. Уларнинг аксарияти илмий жараён учун Фанлар академияси Санъатшунослик институтига олиб кетилган ва ҳозиргача шу ерда сақланмоқда. Шунингдек, топилмаларнинг бир қисми Термиз археология музейидан жой олган.

Бугун юртимизга келаётган сайёҳлар Кампиртепа шаҳар қалъаси қолдиқларини кўриш учун ҳам боряпти. Лекин бу манзилда IV-II асрларгача мавжуд бўлган қалъа ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун манба етарли эмас. Шу боис, туман марказида эмас, айнан Кампиртепа эски шаҳар қалъаси атрофида археология музейи ташкил қилиб, топилмаларнинг бир қисмини шу жойга жойлаштириш зарур, деган таклифни илгари сурмоқчи эдик. Бу нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижлик сайёҳлар учун ҳам бебаҳо маънавий хазина бўлар эди.

Сайёҳларни жалб этадиган манзиллардан яна бири — жаҳонга машҳур Далварзинтепа ёдгорлик мажмуаси. Шўрчи туманидаги мазкур мажмуанинг умумий майдони 33 гектардан иборат бўлиб, Кушон подшолигига оид қадимги йирик шаҳар қолдиғи саналади. Бу манзилда Фанлар академияси Санъатшунослик институти олимлари, жумладан, археолог Галина Пугаченкова ва Баҳодир Турғунов бошлиқ экспедиция аъзолари қазишма ишлари олиб бориб, юзлаб буюмларни топган.

Далварзинтепа топилмалари хусусида рангли китоб ҳамда альбомлар чоп этилиб, кўплаб мамлакатларнинг сайёҳлик бюроларига юборилган. Китоб ва альбомлар, шунингдек, йўл хариталари билан танишган хорижликлар бу манзилга қизиқиб, томоша қилишга келиши табиий. Аммо "Далварзинтепада сайёҳларга нимани кўрсатамиз?", деган савол бизга тинчлик бермаяпти. Қачонлардир қазишма олиб борилган жойлар ҳозир вайрона ҳолга келиб қолган, қаровсиз ётибди. Топилмалар қазиб олинган ўралар таъмирланмаган, консервация қилинмаган. Агар ёдгорликлар атрофларида археология музейи ташкил этиб, қачонлардир пойтахтга олиб кетилган топилмаларнинг бир қисми шу музейларга қўйилса, маҳаллий аҳоли учун ҳам, сайёҳлар учун ҳам айни муддао бўларди.

> **Бундан ташқари, Кампиртепа шаҳар қалъаси ва Далварзинтепа ёдгорлиги атрофида қазишма ўтказилган иншоотлар тарихи акс этган махсус тахтачалар ўрнатилса, ташриф буюрувчилар топилмалар хусусида кенгроқ тасаввур ва тушунчага эга бўлади.**

Бундан ташқари, Кампиртепа шаҳар қалъаси ва Далварзинтепа ёдгорлиги атрофида қазишма ўтказилган иншоотлар тарихи акс этган махсус тахтачалар ўрнатилса, ташриф буюрувчилар топилмалар хусусида кенгроқ тасаввур ва тушунчага эга бўлади.



Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимги шаҳар бу — умумий майдони 100 гектардан иборат Жарқўтон. Қадимда ҳозирги Шеробод тумани ҳудудида бўлган бу шаҳарга 4 минг йил аввал асос солинган. Жарқўтондан топилган, тошдан, бронзадан ясалган ноёб ҳунармандчилик буюмлари айни пайтда Термиз ва Самарқанд археология музейлари ҳамда Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти захираларида сақланмоқда. Жарқўтонда шарқнинг энг қадимий саналган олов ибодатхонаси қолдиқлари аниқланган. Бироқ Жарқўтон ҳам анчадан буён қаровсиз. Бу манзилда археология музейи қуриб, олиб кетилган топилмаларнинг муайян қисми келтирилиб жойлаштирилса, обод ва гавжум гўшага айланади.

Музейлардан яна бирини Термиз туманининг "Сабзипоя" маҳалласида сақланиб қолган Талли тоғора археологик ёдгорлиги ҳудудида барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Умумий узунлиги 25 километрдан иборат эски Термиз шаҳри ва Талли тоғора ёдгорлиги сайёҳлик учун бирлаштирувчи бўғинга айланади. Эски Термиз шаҳрининг 500 гектарлик қолдиқлари ва унинг таркибидаги 8 гектардан иборат Қоратепа, Фаёзтепа, Зўрмола ҳамда буддавийлик ёдгорликлари сайёҳларни жуда қизиқтирадиган жойдир.

Талли тоғора Сурхондарё дарёси ва қадимги Термиз канали сув маъбудалари ибодатхонасидир. Бу ерда археологлар 1979 йилдан буён қазишмаларни давом эттиряпти. Яқинда Талли тоғора тепалигидан сиртига одам ва ҳайвонлар тасвири туширилган кўзалар, оқтошга битилган бир қўлида қилич, иккинчисида қалқон ушлаган ярим одам, ярим балиқ сув маъбудаси ҳайкали топилди. Улкан ва ноёб архитектура ёдгорлиги ҳисобланган Талли тоғора ёнида музей қуриб, бу жойни сайёҳларга манзур бўладиган манзилга айлантириш мумкин.

> **Ангор туманида қадимги халқ турмуш тарзига оид Зартепа топилмалари шу атрофда 17 гектардан иборат шаҳар мавжуд бўлганидан дарак беради. Бундан ташқари, Ангор туманида Зангтепа, Болаликтепа, Юмалоқтепа, Куёвқўрғон каби 20 та археологик ёдгорлик бўлиб, этнографик, ўлкашунослик музейи ташкил этиш учун етарли топилма ва манбалар мавжуд.**

Ангор туманида қадимги халқ турмуш тарзига оид Зартепа топилмалари шу атрофда 17 гектардан иборат шаҳар мавжуд бўлганидан дарак беради. Бундан ташқари, Ангор туманида Зангтепа, Болаликтепа, Юмалоқтепа, Куёвқўрғон каби 20 та археологик ёдгорлик бўлиб, этнографик, ўлкашунослик музейи ташкил этиш учун етарли топилма ва манбалар мавжуд.

Алпомишнинг асл ватани ҳисобланган Бойсун туманида эса 50 дан ортиқ археология ёдгорлиги бўлиб, айниқса, Мачай ва Тешиктош ғори, Темир дарвоза, Қўрғонзал, Поёнқўрғон, Работ-1, Работ-2 мозор қўрғонлари жаҳонга машҳурдир. Ўзбекистон — Хитой археология экспедицияси томонидан 2017-2018 йилларда Работ мозор қўрғонларида 94 та қадимги қабр очилган. Бу жойлардан юзлаб тақинчоқлар, мунчоқлар, ойналар, сопол идишлар, темир буюмлар топилган. Улар ҳозир Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институтида таъмирланяпти ва сақланяпти.

Шунингдек, Бойсун фольклори "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси" сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Бу, ўз навбатида, Бойсун халқ маданияти ва унинг бадиий анъаналарини сақлаш ва ёзиб олиш ҳамда кенг кўламда илмий тадқиқ этиш жараёнига сабаб бўлди. Халқ ижодкорлигининг кигиз, мато, жанда, тақинчоқлар ва бошқа хилма-хил буюмлари ҳам ўзига хос ҳамда такрорланмас. Халқ томонидан яратилган ва мозор қўрғонлардан топилган ноёб буюмлар Бойсунда музей очишга етарлича манбадир. Боз устига, Бойсунда ҳозир меҳмонхоналар кўпайган. Келган сайёҳларнинг 2-3 кунлаб халқ амалий санъати буюмларини, тоғ аҳолиси маданияти, табиати ва археология топилмаларини томоша қилиши учун етарлича шароит бор.

Деновда хорижий ва маҳаллий сайёҳликни кенг йўлга қўйиш учун V-VII асрлардаги ёзма манбаларда қайд қилинган Чағониён тарихи ва маданиятига оид манбалар жуда кўп. Будрачтепа қадимий Чағониённинг номи бўлиб, XVII асргача Чағониён Сурхондарёнинг шимолий қисмини бирлаштирган вилоят ҳисобланган. Будрачтепа ва унинг атрофидаги тепаликлар, яъни Чағониён шаҳри ўрнида қазишмалар олиб борилиб, бронза идишлар хазинаси (чироқлар, кели, сиёҳдонлар ва ҳоказо), эфталитлар томонидан зарб қилинган 300 килограммдан ортиқ тангалар топилган. Холчаён ва Қорабоғтепадан жуда ноёб топилмалар чиққан. Чағониён водийсидан Сангардаккача бўлган оралиқдаги дарёлар, ранг-баранг табиат — буларнинг барчаси сайёҳларни қизиқтирадиган ва диққатини жалб этадиган гўзал манзаралардир. Чағониён ёдгорликлари билан Сурхондарёнинг бошқа туманларидаги тарихий ёдгорликларни ягона сайёҳлик тизимига бирлаштириш фақат фойдали бўлади.

Бундан беш йил илгари франциялик бир археолог Деновнинг Сина мавзесидаги денгиз сатҳидан 1 740 метр баландликдаги Қизқўрғондан чор-атрофни томоша қилиб, табиатнинг гўзаллигидан ҳайратга тушган ва "Бу жойнинг кўркамлиги олдида Швейцария табиати ҳеч нарса бўлмай қолади", деб таърифлаганди. Демак, қадимий Чағониённинг бетакрор табиати ва бу юртдан топилган ноёб топилмалар ҳар бир саёҳатчини, шубҳасиз, қизиқтиради. Деновда меҳмонларни кутиб олишга меҳмонхона ва уй меҳмонхоналари етарли. Шундай экан, экотуризмни ривожлантириб, кўплаб сайёҳларни чорлаш мумкин. Хуллас, воҳанинг анча тараққий этган Денов шаҳрида музей ташкил этиш учун ҳам манбалар ва асослар бор.

Маданий мерос ёдгорликларига бой Сурхон воҳаси туманларида археология ва ўлкашунослик музейлари филиалларини ташкил этиш ҳақида сўз борар экан, табиийки, келгусида музейларда ишлайдиган ва ташриф буюрадиган сайёҳларга гидлик вазифасини бажарувчи кадрлар масаласи кўндаланг бўлади. Бу муаммо ҳал бўлган. Чунки 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Термиз давлат университетининг тарих факультетида бакалавр йўналишида 25 талабага археология фани сирлари ўқитилмоқда. Бундан ташқари, археология соҳасидаги 10 нафар мутахассис университетнинг магистратура бўлимига қабул қилинган. Шунингдек, этнология бўйича ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

Бугун вилоятнинг барча туманларида кенг кўламли қурилиш ишлари бажариляпти. Улар қаторида музейлар ҳам ташкил этилса, мамлакатимизнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланган қадимий ёдгорликларни авайлаб-асраш билан бирга юртимизга сайёҳларни жалб этиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилади.

Илм ва амалиёт

**Фаррух ИГИТОВ,
Тошкент кимё-технология институти саноат экологияси кафедраси мудири, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори**

# ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР — ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИ

**Аҳоли сонининг ўсиши, фан ва техника тараққиёти, инсон эҳтиёжларининг ортиши оқибатида ер юзида қатор экологик муаммолар юзага келди. Шу боис, бугунги кунда соф табиат ҳақида гап юритиш мушкул. Ер юзидаги ўрмонлар кўпайиш ўрнига тобора қисқариб бормоқда, катта-катта табиий ҳудудлар деҳқончилик қилиш мақсадида ўзлаштирилди, табиат ва ҳаво ҳар хил чиқинди ҳамда газлар ҳисобига ифлосланяпти.**

Бундан ташқари, табиатда тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронлари ва бошқа табиий жараёнлар юз бермоқда. Буларнинг барчаси пировардида табиат мувозанатига путур етказяпти. Шу боис, давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор давримизнинг ўткир муаммоларидан бири — Оролбўйи ҳудудидаги экологик ҳолатга қаратиб, жумладан, бундай деди: "Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда".

Муайян географик ҳудуднинг ўзига хос иқлими, ижтимоий-экологик, этнографик хусусиятлари табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар характерини белгилаб беради.

Экологик хавф бугунги кунда тобора кенг тус олиб, ер юзидаги барча мамлакатларни бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этмоқда. Жаҳон ёввойи табиати (WWF), Global Footprint Network жамғармалари ва Лондоннинг зоологик жамияти мутахассислари ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 1970 йилдан буён дунёда ёввойи ҳайвон ва қушларнинг сони 3,43 минг турга, тирик сайёранинг индекси эса 52 фоиз (ҳаво ва қуруқликда яшайдиган жониворлар тури 76 фоиз, ер усти ва сувда кун кечирадиганлари сони 39 фоиз) қисқарган. Ҳар йили 11 миллион гектар тропик ўрмон кесилмоқда. Йўқотишлар ўрмонларни тиклаш ишларига нисбатан 10 баробар кўпдир. Ҳар куни атмосферага 60 миллион тоннага яқин карбонат ангидрид чиқарилиши дунё океанидаги сув сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда.

Ҳаво таркибида карбонат ангидриднинг ошиши, чиқинди газларнинг меъёридан ортиқ ҳавога чиқарилиши оқибатида иссиқхона эффекти ҳосил бўлиб, бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий экологик муаммо — глобал иқлим ўзгариши юзага келди. Шунингдек, озон қатламининг емирилиши, дунё океанининг ифлосланиши, тупроқ унумдор қатламининг йўқолиб бориши, тропик ўрмонларнинг кесилиши, чўлланиш, чучук сув манбалари ва биохилма-хилликнинг камайиши, маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, кимёвий ва токсик моддаларни зарарсизлантириш каби экологик инқирозлар аллақачон бир давлат чегарасидан чиқиб, том маънода глобал экологик муаммоларга айланди.

Ҳозирги кунда саноат корхоналарига фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки атроф-муҳитга зарар етказмаслик ҳам асосий талаблардан бири сифатида қўйилмоқда. Шу боис, Тошкент кимё-технология институтида саноат корхоналарида ҳосил бўлаётган чиқиндиларни тозалаш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, "ALUTEX" Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасида ишлаб чиқариш сувларини тузсизлантириш, маҳсулотга ранг бериш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни тозалаш бўйича хўжалик шартномаси асосида илмий иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар канализация сувларини тозалаш станцияларида ҳосил бўладиган чўкмаларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Институтда германиялик олимлар билан биргаликда маиший ва қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича лойиҳа тайёрланиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилинмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясининг Қозон федерал университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу университетда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида тажрибали олимлар бўлгани боис, келажакда биргаликда халқаро конференция, семинар-тренинглар ўтказиш, соҳага оид адабиёт ва қўлланмалар яратиш бўйича ҳамкорлик ишларини амалга оширишга келишиб олинди.



Тошкент кимё-технология институти саноат экологияси кафедрасида чиқиндисиз технологик жараёнларни такомиллаштириш, саноат оқова сувларини тозалаш, атмосфера ҳавосини заҳарли газлардан тозалашга қаратилган бир қатор илмий-тадқиқотлар қилинмоқда. Кафедрада фуран бирикмалари асосида ион алмаштиргич полимерларни синтез қилиш ва уларни қўллашнинг аниқ объектларини излаш борасида илмий мактаб яратилган. Кафедра олимлари "Маҳаллий хомашёлар асосида ион алмашинувчи полимерлар олиш ва уни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қўллаш" мавзусида кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб боряпти. Саноат оқова сувларини тозалашга мўлжалланган ион алмашинувчи полимерларнинг асосий қисми республикамизга четдан келтирилади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига салбий таъсир кўрсатади. Кафедрамизда олиб борилган илмий изланишлар натижасида маҳаллий хомашё асосида ион алмашинувчи полимерлар олинди. Бу полимерлар айни пайтда саноат оқова сувларини тозалашда қўлланилиб, иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. Масалан, кафедрада синтез қилинган полимерлар "Сувсоз" давлат унитар корхонасига қарашли Салар аэрация станцияси оқова сувларини тозалашда қўлланилиши натижасида корхонага бир йилда 106 миллион сўм иқтисодий фойда келтирди. Илмий-тадқиқотлар самараси ўлароқ, кафедрада 8 нафар изланувчи фан номзоди, 4 нафари фан доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2017-2020 йиллар давомида кафедра олимлари жамоасининг илмий изланишлари натижасида Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 5 та ихтирога давлат патенти олинди. Атроф-муҳит муҳофазасига оид 10 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма, 5 та монография чоп этилди. Кафедрада айни пайтда "Целлюлоза саноатида ҳосил бўлаётган оқова сувларни тозалаш" мавзусида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Институтда "Эколог" тўгараги фаолият кўрсатяпти. Унга аъзо талабаларимиз бир қатор илмий-тадқиқот ишлари, лойиҳаларда иштирок этмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил қилган "START-UP" танловида қатнашган талабаларимиз "Ҳавони заҳарли газлар, чанглардан тозалашда қўлланиладиган дарахт кўринишидаги "Скруббер" жиҳозини яратиш, уни шаҳар ҳудудига ўрнатиш" мавзусида совринли ўринни қўлга киритди. Айни пайтда ана шу мавзу доирасида амалий ишлар қилинмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2888.
42035 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 00:00